БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 28 (3827).
3 ФЕВРАЛЬ 1979 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ШОНЛИ ЙИЛЛИК ШАРАФИГА

Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 2 февраль куни бўлиб ўтган йиғилиши Совет Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланган куннинг 31 йиллигига бағишланди.

Йиғилиш қатнашчилари шартнома катта аҳамиятга молик эканлиги тўғрисида гапирдилар, румин халқига социалистик қурилишда янги-янги муваффақиятлар тиладилар. (ЎзТАГ).

1979 йил 4 МАРТ ЯКШАНБА
СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ЮКСАК ИШОНЧ

Ўзбекистон сайлов округларидаги округ сайлов комиссияларининг мажлисларида Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси **Наима Маҳмудовна Маҳмудова** Ленинобод сайлов округидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-лейтенант **Юрий Павлович Максимов** Чимбой сайлов округидан, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Учқун Умаров** Тошкент — Чилонзор сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олиндилар. **(ЎзТАГ).**

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Жазоир Миллий озодлик фронти партиясининг Бош секретари Бинжадид Шодлига йўллаган табрик телеграммаси эълон қилинган. Телеграммада Б. Шодлининг ана шу юксак лавозимга сайланганлиги муносабати билан самимий табрик ва қизғин истаклар баён этилади.

● СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилувчи Совет — Америка аралаш комиссиясининг Москвада ўтаётган еттинчи сессиясидаги Америка делегациясининг бошлиғи, АҚШ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлигининг администратори Дуглас Костли 2 февраль куни Кремлда қабул қилди.

А. Н. Косигин атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида Совет —Америка ҳамкорлиги муҳим амалий аҳамиятга эга эканлигини, уни янада ривожлантиришнинг катта потенциал имкониятларини қайд этиб ўтди. Суҳбат чоғида Совет —Америка муносабатларига таалуқли бошқа баъзи бир масалалар ҳам тилга олинди.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ БАРЧА САЙЛОВЧИЛАРИ, ГРАЖДАНЛАРИГА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ

МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар! Совет Иттифоқи гражданлари!

1979 йил 4 март куни СССР Олий Советига депутатлар сайланади. Бу — мамлакат ҳаётида муҳим воқеадир.

Сайлов кампанияси зўр сиёсий активлик ва меҳнат жўшқинлиги вазиятида ўтмоқда, меҳнаткашларнинг Коммунистик партия теварагидаги маҳкам жипслигини, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини бутун халқ маъқуллаб, астойдил қўллаб-қувватлаётганлигини намойиш қилмоқда.

КПСС сайловга аввалгидек партиясизлар билан маҳкам иттифоқ бўлиб бормоқда. Коммунистлар билан партиясизларнинг блоки партия билан халқнинг бузилмас бирлигини мужассамлаштиради. Бу бирлик барча муваффақиятларимизнинг манбаидир, коммунизм тўла тантанасининг гаровидир.

Меҳнаткашлар билан маслаҳатлашиш ,коллектив тажрибага, омманинг ижодий ташаббуси ва онглилигига таяниш — партиянинг ленинча анъанасидир. Бугун ҳам КПСС Марказий Комитети совет халқига Мурожаат қилар экан, мамлакатнинг СССР Олий Советига аввалги сайловдан кейин ўтган даврдаги ривожланиш якунлари тўғрисида маълумот беришни, бутун диққат-эътиборни хўжалик ва маданий қурилишнинг энг муҳим вазифаларига қаратишни зарур, деб ҳисоблайди.

Шу йилларда мамлакат ҳаётида катта-катта воқеалар кўп бўлди. КПСС XXV съезди бўлиб ўтди, бу съезд коммунистик бунёдкорликнинг улуғвор программасини ишлаб чиқди. СССР Олий Совети халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалаб, умумхалқ социалистик давлатининг Асосий Қонуни бўлган янги Конституцияни қабул этди. Улуғ Октябрь 60 йиллигининг байрам қилиниши социализм жаҳоншумул-тарихий ютуқларининг яққол намойиши бўлди.

Бизнинг мамлакатимизда дунёда биринчи ривожланган социализм жамияти барпо этилганлиги билан ҳаммамиз фахрланамиз. Бу ғалаба — кўп миллатли омма чинакам баҳодирона куч-ғайратларининг натижасидир. Совет кишилари барча авлодларининг ақл-заковати ва меҳнати, мардлиги ва фидокорлиги, билими ва тажрибаси шу ғалабада мужассамлашган. Ватаннинг муваффақиятлари қалбларимизга комил ишонч бахш этади, янги-янги зафарларга руҳлантиради.

Сайловчи ўртоқлар!

Халқимиз КПСС XXIV ва XXV съездларининг қарорларини амалга ошира бориб, **ишлаб чиқарувчи кучларни** ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди. Совет кишиларининг меҳнати билан вужудга келтирилган улкан ишлаб чиқариш потенциали халқ фаровонлигини оширишнинг бош омили бўлган экономиканинг мудом ривожланишини, мамлакат мудофаасини муносиб даражада тутишни таъминлайди.

Социалистик индустрия муттасил ривожланмоқда. 1974—1978 йилларда аввалги беш йилга нисбатан 1,4 баравар кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Маҳсулотни кўпайтиришнинг салкам бешдан тўрт қисмига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

Жонажон мамлакатнинг қиёфаси ўзгариб бормоқда. 1344 та йирик корхона ишга туширилди. Улар орасида — КамАЗ ва «Атоммаш», Арманистон, Ленинград ва Чернобиль атом электр станциялари, Усть-Илим ва Тўхтағул ГЭСлари, Оренбург газ комплекси ва Лебедин кон-саралаш комбинати, Могилев шойи газлама комбинати, Тирасполь ва Шахти ип-газлама комбинатлари, Курск кўнчилик заводи бор. Партиянинг техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқларни ривожлантириш, ёқилғи-энергетика базасини мустаҳкамлаш, аввало Уралда, Сибирь ва Узоқ Шарқда катта-катта территориал-ишлаб чиқариш комплексларини вужудга келтириш йўли изчиллик билан амалга оширилмоқда. Байкал-Амур магистрали зарбдор суръатлар билан қурилмоқда.

Фан ва техника ютуқлари ишлаб чиқаришга актив жорий этилмоқда, корхоналар илғор техника негизида реконструкция қилинмоқда ва қайта ускуналанмоқда. Саноат маҳсулотининг 16 мингдан ортиқ янги турини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва бошлаб юборилди.

Қишлоқ хўжалиги муттасил ривожланмоқда. Уни экономиканинг юксак даражада ривожланган секторига айлантириш юзасидан катта-катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалик меҳнатининг энергия билан таъминланиши бир ярим баравар ўсди. Ерларни химиялаш ва мелиорациялаш кенг миқёсда ўтказилмоқда. РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасини обод қилиш умумхалқ иши бўлиб қолди.

1978 йил ҳосили учун бўлган умумхалқ жанги катта ғалаба билан якунланди — биринчи марта 235 миллион тонна дон ҳосили олинди. Қўриқ ерларнинг хўжаликлари ғалла етиштиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Чорвачиликни янада ривожлантириш учун яхши замин яратилди.

Партия эришилган натижаларни қайд этиш билан бирга камчиликларни, ҳал этилмаган муаммоларни ҳам кўриб турибди. Биз капитал қурилишни анча яхшилашимиз, мамлакатнинг металл ва ёқилғига, қишлоқ хўжалик маҳсулотига ортиб бораётган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондиришимиз, транспорт ишини такомиллаштиришимиз, план, технология ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашимиз, ҳар бир ишда тежамкор бўлишимиз, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишимиз лозим.

Партия билан халқнинг навбатдаги вазифалари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларида, СССР Олий Советининг сессиясида атрофлича кўриб чиқилди. Пленумларнинг қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида экономикамизни янада ривожлантиришнинг ҳамда халқ моддий ва маданий фаровонлигини ўстиришнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Бу режаларни амалга ошириш — партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг, ҳар бир коллективнинг, ҳар бир совет кишисининг биринчи галдаги бурчидир.

КПСС Марказий Комитети шаҳар ва қишлоқлардаги барча меҳнатчиларни СССР Олий Советига сайловни меҳнатда янги зафарлар билан кутиб олишга чақиради. 1979 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантириш, шу йилги планларни ва умуман ўнинчи беш йилликни муваффақиятли бажариш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёздириш — бизнинг жанговар шиоримиздир!

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини муттасил юксалтириш партиямиз иқтисодий стратегиясининг бош йўли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Совет кишилари коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериб, шу тариқа Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш учун овоз берган бўладилар.

Сайловчи ўртоқлар!

Совет кишиларининг ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондириш — социалистик ишлаб чиқаришнинг олий мақсадидир.

Экономикани ривожлантиришдаги муваффақиятлар меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишга самарали таъсир қилди, бир қанча йирик социал тадбирларни амалга ошириш имконини берди. Ўтган сайлов давридан бери аҳоли жон бошига реал даромадлар 20 процент кўпайди. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 19 процент, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи эса 26 процент ошди. Пенсия таъминоти яхшиланди. Ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ҳар бир киши ҳисобига йилига 312 сўмдан 404 сўмга етди.

Уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилмоқда. 54 миллион киши янги уйларга кўчиб чиқди. Бизда квартира ҳақи энг оз қилиб белгиланган ва ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери ўзгартирилмай келинмоқда.

КПСС билан давлат совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза этиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқдалар. Касалхона ва поликлиникалар, курортлар, дам олиш уйлари ва пансионатлар тармоғи кенгаймоқда. Физкультура ва спорт ривожланмоқда. 1980 йилда ўтказиладиган Москва олимпиадасига актив тайёргарлик кўрилмоқда.

Меҳнаткашларнинг фаровонлиги доимо ўсиб бориши — турмушимизнинг равшан реаллигидир. Шу билан бирга баъзи бир озиқ-овқат ва саноат молларига бўлган талаб ҳали тўла-тўкис қондирилаётгани йўқ, маҳсулот сифатини бундан буён ҳам ошириш, унинг турларини кўпайтириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳам керак. Партия билан давлат ана шу муаммоларни ҳал этишга интилмоқдалар, меҳнаткашларни зарур моллар ва хизматлар билан янада тўла-тўкис таъминлаш чораларини кўрмоқдалар.

Халқ манфаатлари, унинг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш — Коммунистик партия фаолиятидаги энг асосий мақсаддир. Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш — совет кишиларининг турмуш даражасини янада ошириш учун, ҳар бир оиланинг фаровонлигини юксалтириш учун овоз бериш демакдир.

Сайловчи ўртоқлар!

Совет Иттифоқида **фан, маориф, маданият** муттасил ривожланмоқда. Мамлакатнинг илмий потенциали ўсди. Бизнинг математика, физика, химия, биологиядаги ва илм-фаннинг бошқа кўпгина тармоқларидаги ютуқларимиз бутун дунёга яхши маълум. Фаннинг ишлаб чиқариш билан боғланиши мустаҳкамланмоқда. Қаҳрамон совет космонавтларининг давомийлиги жиҳатидан рекорд қўйган учишлари Ватанимиз фани ва техникасининг чинакам тантанаси бўлди. Биринчи марта Ер атрофи орбитасида қардош мамлакатларнинг вакиллари иштирокида халқаро экипажлар ишлади. Коммунистик қурилишнинг энг муҳим муаммоларини тадқиқ этишда ижтимоий фанларнинг роли ортиб бормоқда.

Халқ маорифи системаси такомиллашмоқда. Ёшларга умумий ўрта таълим бериш амалга оширилганлиги зўр социал аҳамиятга молик воқеа бўлди. Ўрта ҳунар-техника билим юртлари икки ярим баравардан зиёд кўпайди. Мамлакатимизда 95 миллиондан зиёд киши таълимнинг ҳамма турларига жалб этилган.

Маданиятни ривожлантиришда катта-катта муваффақиятларга эришилди. Маданий қурилишда меҳнаткашларнинг ғоят кенг оммаси актив қатнашмоқда. Адабиёт ва санъатнинг янги-янги асарлари яратилди, улар олижаноб коммунистик идеалларни, инсонпарварлик принципларини қарор топтиради.

Меҳнаткашларнинг коммунистик эътиқодини ўстириш — олға томон қиладиган ҳаракатимизнинг ҳал қилувчи омилидир. «Давлат омманинг онглилиги билан кучлидир, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин. — Омма ҳамма нарсани билиб, ҳамма масалани муҳокама қилиб, ҳамма ишни онгли суратда бажарганидагина давлат кучли бўлади». Шу сабабли партия идеология ишига, коммунизмнинг актив бунёдкори бўлмиш янги инсонни камол топтиришга жуда катта аҳамият бермоқда.

Партия бундан буён ҳам шахсни ҳар томонлама камол топтириш тўғрисида, ғоявий-тарбиявий ишни доимо такомиллаштириш ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилаверади. Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш—мамлакат маънавий ҳаётини янада равнақ топтириш учун овоз бериш демакдир.

Сайловчи ўртоқлар!

Коммунистик партия жамиятимизни **социал-сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, демократияни такомиллаштириш, жамият ва давлат ишларини идора қилишга оммани кенг миқёсда жалб этиш** масалаларига ҳамиша эътибор билан қарамоқда.

СССРнинг социал асосини ташкил этувчи ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи янада мустаҳкам ва енгилмас иттифоқ бўлиб қолди. Барча синфлар ва социал группаларнинг ўзаро яқинлашиш жараёни давом этмоқда, жамиятимизнинг социал жиҳатдан бир хиллиги кучаймоқда, унинг маънавий-сиёсий бирлиги тобора кўпроқ мустаҳкамланмоқда.

Партиянинг ленинча миллий сиёсатини амалга оширишда янги муваффақиятларга эришилди. Барча иттифоқдош ва автоном республикаларнинг иқтисодий ва социал ривожланиш даражаси муттасил ошмоқда. Совет ватанпарварлиги ва интернационализмининг ҳаётбахш ғоялари одамлар онгига тобора чуқур сингиб бормоқда. Яхлит Совет Социалистик маданиятини ташкил этувчи бир-бирини ўзаро бойитиб бораётган миллий маданиятлар тобора гуллаб-яшнамоқда. Коммунистик партия мамлакатдаги барча миллат ва элатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва яқинлаштириш йўлини бундан буён ҳам ўтказаверади, қардош халқларнинг улуғ ва бузилмас дўстлигини, ягона, қудратли Совет Иттифоқимизни мустаҳкамлайверади.

Социалистик демократиянинг Ленин ибораси билан айтганда ҳамиша тор, риёкор, ёлғончи, сохтакор бўлган, ҳамиша бойлар учун демократия, камбағаллар учун алдамчилик бўлиб қоладиган буржуа демократиясидан шак-шубҳасиз устунлигини ҳаёт тасдиқлаб турибди. У ерда, капитализм дунёсида одамни одам эксплуатация қилиши кучаймоқда, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари доимо поймол этилмоқда, иқтисодий танглик, пулнинг қадрсизланиши, сурункали ишсизлик давом этмоқда. Шафқатсизлик ва бедодлик, меҳнат аҳлининг тақдирига бефарқлик, ижтимоий ахлоқнинг юз тубан кетганлиги — ҳозирги буржуа жамиятининг қиёфаси ана шундай. Шу боисдан ҳам капитализмни эркин жамият деб кўрсатиш йўлидаги уринишлар айниқса ҳаёсизлик бўлиб кўринади. Йўқ, капитализм — инсон ҳуқуқларини бўғувчи жамиятдир. У — келажакдан маҳрум жамиятдир!

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари байроғи — социализм байроғидир. Социализм шароитидагина тарихда биринчи марта демократия халқ ҳокимияти ва халқ учун ҳокимият бўлиб қолади Фақат социализмгина одамларнинг гражданлик ва сиёсий тенг ҳуқуқлилигини, инсоннинг чинакам эркинлигини пухта равишда гарантиялайди. Фақат социализмгина ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида демократия принципларини қарор топтиради.

СССРнинг янги Конституцияси гражданларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини анча кенгайтирди ва бойитди. Айни вақтда совет кишилари учун ҳуқуқлар мажбуриятлардан, эркинлик гражданлик масъулиятидан, шахсий манфаатлар ижтимоий манфаатлардан ажралмасдир.

СССРнинг сиёсий негизи бўлмиш халқ депутатлари Советлари ўз фаолиятида тузумимизнинг демократизмини тобора тўла-тўкис ифодалаб турибди. Янги Конституция қабул этилиши билан Советларнинг иши яна бир поғонага кўтарилди. Хўжалик ва маданий қурилиш масалаларини ҳал этишда уларнинг роли ортиб бормоқда. Миллион-миллион депутатлар, Советларнинг активлари доимо халқ орасида ишламоқдалар, давлатни идора қилиш сабоғини олмоқдалар.

Партия касаба союзлари, комсомол, барча оммавий ташкилотлар, меҳнат коллективларининг активлигини ҳар томонлама оширишни, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришни, жамоатчилик фикрини диққат билан ҳисобга олишни, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан қарашни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди. Мамлакатда СССР янги Конституцияси асосидаги қонунчилик ишларининг кенг программаси амалга оширилмоқда, халқ контролини кучайтириш, давлат интизомига, қонунчиликка ва ҳуқуқ-тартиботга қатъий риоя этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилмоқда.

Коммунистик партия бундан буён ҳам жамиятнинг сиёсий системасини такомиллаштириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қила беради. Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш — совет халқининг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлаш учун, социалистик халқ ҳокимиятини муттасил ривожлантириш учун овоз бериш демакдир.

Сайловчи ўртоқлар!

Биз бораётган йўл — тўғри, ленинча йўл эканига бунёдкорлигимизнинг бутун тажрибаси ишонч туғдирмоқда. Бу йўлда янги муваффақиятларга эришиш, программ мақсадларни амалга оширишни таъминлаш учун **ривожланган социализм имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиш керак.** Шу имкониятларни рўёбга чиқаришда актив қатнашиш — коммунистлар, комсомолларнинг, барча совет кишиларининг шон-шараф ишидир.

КПСС Марказий Комитети ҳар бир совет кишиси ўзида коммунистик эътиқодни, актив ҳаётий позицияни, коммунизм қурувчи тайёрлик, ирода ва маҳоратни ҳосил қилишини;

меҳнат унумдорлигини, самарадорлик ва сифатни ошириш учун сабот билан курашадиган, умумий иш учун ўзаро талабчанликни ва масъулиятни оширадиган, коллективчилик ва ўртоқлик руҳини ривожлантирадиган бўлишини;

билимларни, фан ва техника ютуқларини, илғор тажрибани қунт билан эгаллайдиган, ўзининг касб маҳоратини такомиллаштирадиган, ташаббус ва новаторлик кўрсатадиган бўлишини;

ҳамма ишда мамлакатнинг хўжайини эканлиги туйғусини намоён қиладиган, халқ бойлигидан оқилона фойдаланадиган, дон, металл, ёқилғининг ҳар бир килограммини тежайдиган, жонажон табиатни муҳофаза қиладиган бўлишини ҳаётий муҳим вазифа деб ҳисоблайди.

Коммунистик партия қаҳрамон ишчилар синфини, шонли колхозчи-деҳқонларни, халқ зиёлиларини, барча совет кишиларини жамиятнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий потенциалидан тобора самаралироқ фойдаланишга чақиради. Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш — Ватанимизнинг янада равнақ топиши учун, унинг коммунизм сари ғолибона ҳаракат қилиши учун овоз бериш демакдир.

Азиз хотин-қизлар! Советлар мамлакатининг шонли қизлари!

Сизларнинг совет халқи ютуклари ва ғалабаларига қўшаётган ҳиссангиз катта. Меҳнаткаш аёллар, оналар тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш — жамиятимизнинг энг муҳим қонунидир. Аёлларга ишлаб чиқариш ва жамоат фаолиятини бола тарбияси билан, оила юмуши билан қўшиб олиб бориш учун кенг имкониятлар бериб қўйилган. Партия билан давлат хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини бундан буён ҳам яхшилайверадилар, ижтимоий-сиёсий ҳаётда уларнинг ролини янада оширишни таъминлайдилар.

Комсомоллар, йигит ва қизлар!

Сизлар — кекса авлодлар қаҳрамонона ишларининг ворислари ва давомчиларисиз. Ленин комсомоли, совет ёшлари ҳамиша хўжалик ва маданий қурилишнинг зарбдор жабҳаларида бўлиб келганлар. Миллион-миллион йигит ва қизлар сайловда биринчи бор қатнашадилар. Комсомоллар, йигит ва қизлар ҳамиша ва ҳар ишда Ленин васиятларига амал қилишларига, Совет Иттифоқи граждани деган юксак номга муносиб бўлишларига партиянинг ишончи комил.

Ҳурматли революция, уруш ва меҳнат ветеранлари!

Сизлар Ватанга, партияга чексиз садоқатингиз билан халқнинг иззат-икроми ва ҳурматига сазовор бўлдингиз. Кўпларингиз ҳали ҳам меҳнат қиляпсизлар, жамоат ишида, ёшларни тарбиялашда қатнашяпсизлар. Ветеранлар тўғрисидаги ғамхўрлик партия билан давлатнинг социал сиёсатида муҳим ўрин олиб турибди.

КПСС Марказий Комитети комил ишонч билан айтадики, совет хотин-қизлари, ёшлари, ветеранларимиз коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз берадилар, юксак сиёсий онглиликларини, коммунистик бунёдкорлик умумий ишига муносиб ҳисса қўшишга интилаётганликларини намойиш қиладилар.

Сайловчи ўртоқлар!

Коммунистик қурилишнинг тинч шароитларини таъминламоқ учун КПСС барча зарур ишларни қилиб келди ва қилмоқда.

Социализм ва тинчлик ажралмасдир. Советлар мамлакатининг ташқи сиёсати Лениннинг сулҳ тўғрисидаги декретидан то ҳозирги кунимизгача тинчликсеварлик руҳи билан суғорилгандир. Фашизм билан курашда ўзининг 20 миллион ўғил ва қизидан жудо бўлган халқимиз урушнинг нима эканлигини яхши билади. Шу боисдан биз учун мустаҳкам тинчликни сақлаб қолишдан кўра ҳам муқаддасроқ иш йўқ!

Партия билан Совет давлати КПСС XXIV съезди ўртага қўйган Тинчлик программасини ҳамда тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги курашнинг партия XXV съезди маъқуллаган программасини сабот билан муваффақиятли равишда амалга оширмоқдалар. Ер юзида тинчлик анча ишончлироқ бўлиб қолди, мамлакатимизнинг халқаро аҳволи эса ҳозир ҳар қачонгидан кўра ҳам мустаҳкамдир. СССРнинг ташқи сиёсатини ер юзидаги барча тараққийпарвар кучлар маъқулламоқда ва ундан мамнун бўлмоқда.

Совет Иттифоқи ялпи тинчликни мустаҳкамлашга, кескинликни юмшатишни чуқурлаштиришга, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланишга, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтиришга қаратилган конструктив таклифлар комплексини ўртага қўйди. СССР империалистлар билан Пекин раҳбарларининг халқаро вазиятни кескинлаштириш, тарих ғилдирагини орқага — «совуқ уруш»га буриб юбориш йўлидаги уринишларига қарши сабот билан кураш олиб бормоқда. Партиянинг, совет халқининг тинчликка бўлган иродаси букилмасдир.

Жаҳон социализмининг позициялари мустаҳкамланди. Қаҳрамон Вьетнам халқининг ғалабаси тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Совет Иттифоқи, қардош мамлакатлар қаҳрамон Вьетнам халқига ҳар томонлама ёрдам ва мадад бериб келдилар ва ҳамон ёрдам ва мадад бермоқдалар. Лаос халқи социалистик давлатлар оиласига қўшилди. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашлари, қардош партиялар ва давлатлар раҳбарларининг Қримдаги учрашувлари социалистик ҳамдўстликни янада мустаҳкамлашда катта-катта босқичлар бўлди.

Советлар мамлакати — ўзининг озодлиги ва мустақиллигини курашда қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг содиқ ва ишончли дўстидир. Биз революцион демократик ўзгаришлар йўлига ўтиб олган Ангола, Эфиопия, Афғонистон, Кампучия ва бошқа мамлакатларнинг халқлари билан бирдамлигимизни ва уларни қўллаб-қувватлашимизни изҳор этамиз.

КПСС қардош партиялар билан алоқаларни ривожлантирмоқда, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигини марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари негизида мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

Партия бундан буён ҳам кенг халқаро ҳамкорлик учун, замонамиздаги барча революцион, тараққийпарвар кучларни жипслаштириш учун курашаверади. Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш — бизнинг бахтли турмушимиз учун, ер юзида тинчлик учун овоз бериш демакдир.

Коммунистик партия билан Совет давлати тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик билан амалга ошира бориб, айни вақтда мамлакат мудофаа қудратини ва унинг қаҳрамонона Қуролли Кучларини мустаҳкамлашга доимо зўр эътибор берадилар. Партия шунга аминдирки, армия ва флотнинг шавкатли жангчилари бундан буён ҳам ўзларининг ватанпарварлик ҳамда интернационал бурчини муносиб суратда бажарадилар, жанговар тайёрликни ҳар томонлама оширадилар, социализмнинг революцион ғалабалари посбонлигида сергак бўлиб турадилар.

КПСС Марказий Комитети сизларни, шонли совет жангчиларини, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз беришга чақиради. Бу билан сизлар Коммунистик партияга, социалистик Ватанга чексиз содиқ эканлигингизни яна бир бор изҳор этган бўласиз!

Сайловчи ўртоқлар!

Бизнинг барча ютуқларимиз ва ғалабаларимиз совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи — Коммунистик партия фаолияти билан боғлангандир. Партиянинг роли ва обрў-эътибори ўсди, унинг омма билан алоқалари кенгайди ва мустаҳкам бўлиб қолди. КПСС ижодий куч ва ғайратга тўлиб-тошган ҳолда ўзининг XXVI съезди сари бормоқда.

Партия марксизм-ленинизм таълимотига амал қилиб, халқни комил ишонч билан коммунизм сари бошлаб бормоқда. Совет кишилари партиянинг доно сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг, улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи ўртоқ Л. И Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг самарали фаолиятини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

КПСС Марказий Комитети айтадики, Коммунистик партия ҳамиша халққа астойдил хизмат қилади, совет кишиларининг бахт-саодати учун, севимли Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун, коммунизмнинг тантанаси учун ҳормай-толмай курашаверади.

Сайловчи ўртоқлар!

Совет ҳокимияти олий органига бўлажак сайлов СССР янги Конституцияси қабул қилинганидан кейинги биринчи сайлов бўлади. Совет кишиларининг ишчанлиги, юксак даражадаги активлиги сайлов кампаниясига хос хусусиятлардир. Сайлов олди йиғилишларида ҳаётимизнинг энг муҳим масалаларини бутун халқ муҳокама қилмоқда, давлат, хўжалик ва жамоат ташкилотлари ишини янада яхшилашга қаратилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар айтилмоқда. Сайловчиларнинг наказларини амалга ошириш партия органлари, халқ депутатлари Советлари ишининг ғоят муҳим қисми бўлади.

Азиз ўртоқлар, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг гражданлари, КПСС Марказий Комитети сизларни коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун якдил бўлиб овоз беришга даъват этади. Сизлар овоз бериш билан Октябрь ишига, партия ишига содиқлигингизни, КПСС XXV съезди режаларини амалга оширишга азму қарор берганлигингизни, ленинчасига, коммунистчасига яшаш, ишлаш ва курашишга интилаётганлигингизни яна бир бор намойиш қиласиз!

ҲАММА САЙЛОВГА!

Яшасин бизнинг Ватанимиз—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин Совет ҳокимияти!

Улуғ совет халқига шон-шарафлар!

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида—коммунизм ғалабаси сари олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

• *ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ*

Амалиёт билан боғлаб

Корхонамизда ишлаб турган коммунистик меҳнат мактаблари бугунги кунда илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда, меҳнаткашларни социалистик мусобақа, шунингдек, турли ташаббусларга жалб қилишда, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишга чорлашда пропаганданинг энг самарали формаси бўлиб қолди.

Бундай мактабларнинг асосий вазифаси меҳнатнинг энг илғор методларини ишлаб чиқаришга зудлик билан жорий этиш, социалистик мусобақада ғолиб чиққан пешқадам ишчиларнинг тажрибасини ўрганиб, уни дарҳол оммалаштиришдан иборатдир.

Мана, бир неча йилдирки, СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводида ана шундай коммунистик меҳнат мактабларида илғор тажрибалари ўрганилиб таҳлил қилиняпти.

Ўтган 1977-78 ўқув йилида корхонада 40 группага бирлашган 570 киши коммунистик меҳнат мактабида ўқиди ва «Социализм ва меҳнат», «Иқтисодий билим асослари» ҳамда «Иш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича илғор тажрибалар» программаларини чуқур ўрганди-лар.

Машғулотлар олиб боришга партия маорифи системаси, экономика хизмати, ходимлари, мастер, технологлардан иборат пропагандистлар жалб қилинган.

Коммунистик меҳнат мактабида машғулот олиб борувчи пропагандист аввало, чуқур билимли бўлиши ва ана шу билимни, машғулот мазмунини тингловчи онгига етказиб бераоладиган бўлиши керак.

Ана шундай хислатга эга бўлган 5, 23, 3, 7-цехларнинг пропагандистлари В. С. Михайлов, Н. И. Лубанский, Н. Я. Чумаев, А. И. Фоменко ва бошқалар машғулотларни мазмундор ва сифатли олиб боришга эришмоқдалар.

Коммунистик меҳнат мактабларида машғулотлар бошланғунча завод раҳбарлари, Куйбишев район партия комитети ходимлари иштирокида пропагандистлар семинари ўтказилди.

Тингловчилар ўқув давомида Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ сафари вақтида, Минск ва Бокуда сўзлаган нутқларини, КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1977 йил) июль ва ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорларини қунт билан ўргандилар. Пропагандистлар «Илғор тажрибалар курси» программасини КПСС XXV съезди делегати, 2-цех пармаловчиси А. В. Федюшина, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди делегати, 7-цех созловчиси М. Ш. Туропов ва бошқа илғор ишчиларнинг қизғин фаолиятлари билан боғлиқ равишда олиб бордилар.

Коммунистик меҳнат мактабларида олиб борилган машғулотлар натижаси шуни кўрсатдики, ҳар бир тингловчи меҳнат фаолиятида сезиларли даражада активлик, ташаббускорлик ўз ифодасини топди. Масалан, коммунистик меҳнат мактабида билим олган 570 тингловчининг ҳаммаси меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатининг актив иштирокчисидир. Уларнинг барчаси ишлаб чиқариш нормасини мунтазам равишда ошириб бажаришяпти. Шу жумладан, 54 киши бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олган, 125 тингловчи эса рационализатор ва ихтирочилар сафида техника тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Бу йил корхонанинг барча цехларида 40 та коммунистик меҳнат мактабида машғулотлар олиб бориляпти. Бу группаларнинг ҳар бирида 15 дан ортиқ тингловчи бўлиб, ҳаммаси бўлиб, 498 ишчини бирлаштирган. Шулардан 19 группа «Иш сифатини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича илғор тажриба курсини, 12 группа «Иқтисодий билим асослари» курсини, қолган 9 группа «Социализм ва меҳнат» курсларини ўрганадилар. Бу курсларда машғулотни 43 олий маълумотли пропагандистлар олиб боришяпти. Тингловчилар бу йил асосий курс билимларини эгаллаш билангина чекланиб қолмай, балки шу йилнинг муҳим воқеалари бўлган КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини, идеологиянинг актуал масалаларини чуқур ўрганадилар. Зероки, коммунистик меҳнат мактабининг тингловчилари корхонада қандай соҳада ишлаётганидан қатъий назар партиямиз аграр сиёсатининг асосий мазмуни ва ютуқларини атрофлича ўрганиб чиқишлари, июль Пленумининг келажакда қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш бўйича белгиланган конкрет тадбирларининг аҳамиятини ҳар томонлама ва чуқур тушуниб олишлари янгидан-янги ютуқлар омили бўлади.

И. ҚУЗИЕВ.

кўпнусхали «Тракторостроитель» газетасининг ходими.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЮ

ТОШКЕНТ КЕЧА ВА БУГУН

Учинчи беш йиллиннинг уч йили тугаб, унинг тўртинчи йили бошланди. Бу йиллар тошкентликлар учун зарбдорона меҳнат, зафарларга бой йиллар бўлди. Сифат ва самарадорлик беш йиллиги шнори остида меҳнат қилган шаҳар индустрияси коллективлари саноат маҳсулоти реализацияси бўйича уч йиллик планни муддатидан бир ой илгари адо этдилар. Уч йилда планга қўшимча 275 миллион, жумладан 1978 йилда 80 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қилинди. Шаҳар хўжалигини ривожлантиришда бошқа тармоқларда эришилган ютуқлар ҳам беқиёсдир. Бунн кундалик ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Тошкентлик меҳнат коллективлари ҳамма жойда уч йиллик самарали меҳнатларига якун ясаб, келгуси режаларни аниқлаб олдилар. Ҳозир ана шу юксак марраларни эгаллаш учун йил бошидан шаҳдам одим ташланди. Мухбиримиз Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар план комиссиясининг раиси Шукур Раҳматович МИРСАИДОВга мурожаат қилиб, шаҳар хўжалигини ривожлантиришда зарбдор йилда амалга оширилган ишлар ва унинг 1979 йилги истиқболлари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Шукур Раҳматович, ўтган йил шаҳримизда рўй берган қувончли воқеалар ва меҳнат зафарлари ҳақида гапириб берсангиз?

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг раҳбарлиги остида, шаҳар партия комитети ҳамда халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг катта сиёсий ва ташкилотчилик ишларини амалга оширганликлари туфайли Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари ҳақиқатан ҳам ўнинчи беш йилликнинг ҳар бир йилида улкан зафарларга эришмоқдалар. Бу меҳнат муваффақиятлари кун сайин ортиб боряпти. Тошкент шаҳрини ривожлантириш нинг беш йиллик планига мувофиқ, шаҳар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари мутаносиб равишда ривожланиб боряпти. Буни аниқса саноат, уй-жой массивлари, соғлиқни сақлаш, мактаб-боғча, маданий-маиший, савдо, умумий овқатланиш корхоналари қурилишида яққол кўриш мумкин.

Бугуни кунда шаҳримиздаги тўрт корхонанинг бири давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқараётганлиги айниқса қувончлидир. Унинг саноат умумий маҳсулотидаги ҳажми 1975 йилдагига нисбатан 2,5 баравар ошди. Қолоқларсиз ишлашни ўзлари учун шиор қилиб олган корхоналардаги коллективлар, 107 минг ишчи беш йилликнинг уч йили, 1700 дан ортиғи шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этганликлари тўғрисидаги ғалаба рапорти бердилар. Бу, коллективларда социалистик мусобақанинг авж олдирилганлигидан, ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг сиёсий ва меҳнат фаолликлари юксак даражага кўтарилганлигидан гувоҳлик беради.

Кейинги уч йил мобайнида халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми икки миллиард 900 миллион сўмликка етди. Шу даврда икки ярим миллион квадрат метр замонавий уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Еки 250 минг тошкентлик янги уйга кўчиб ўтди. Жумладан, ўтган йили 860 минг квадрат метрга яқин уй-жой, 6320 ўринли болалар муассасалари, 10 минг ўринли мактаб, бир қанча шифохоналар, поликлиникалар ва бошқа кўплаб объектлар бунёд этилди.

— Шукур Раҳматович, жавобингиздан беш йилликнинг ўтган даври мобайнида шаҳар хўжалигини ривожлантиришда қувончли натижаларга эришилганлиги маълум бўлди. Бу борада ўнинчи беш йилликнинг қолган йилларида, жумладан 1979 йилдаги ривожланиш истиқболлари ҳам порлоқ бўлса керак?

— Ҳа, албатта. Шаҳарни иқтисодий ва социал ривожланиш плани бўйича бу йил ҳамма тармоқларнинг тез суръатда гуркираб ривожланиши кўзда тутилган. Жумладан Тошкент шаҳрини 1979 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш планида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1978 йилдагига нисбатан 6 процент, жумладан маҳаллий саноатда 6,8 процент ортади.

Шаҳримизда олиб бориладиган комплекс қурилиш ва ободонлаштириш ишлари суръати ва сифатини янада ошириш, капитал маблағ сарфи самарадорлигини ошириш капитал қурилишда кўзда тутилган. Фақат маҳаллий Советлар йўли билан шаҳар хўжалигини ривожлантиришга қарийб 200 миллион сўм маблағ ажратилган.

Янги-янги улкан архитектура ансамблларини, бино ва иншоотлар, проспектлар ва ер ости ўтиш йўлларини, парк ва хиёбонлар шаҳримиз чиройига-чиройи қўшади. Халқлар дўстлиги майдонидаги комплекс қурилиш, киноконцерт зали, «Москва» меҳмонхонаси, Максим Горький номли рус театри, Алишер Навоий номли кутубхона, телевизион минора, Билимлар уйи каби қатор иншоотлар қурилиши жадаллашади.

Уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилади. Шу мақсадга 125 миллион сўм ажратилади. Бу йил қарийб 900 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой қурилади.

Ўсиб келаётган ёшавлодни тарбиялашни яхшилаш мақсадида социал планда маориф ва маданиятни ривожлантиришга 20 миллион сўм белгиланган. Шу йил 6700 ўринли 24 та мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, қарийб ўн минг ўринли 7 та мактаб, Пионерлар саройи қурилади.

Чилонзор районида 800 ўринли қишки кинотеатр ишга тушади, уч залли «Фестиваль» кинотеатри, Фрунзе районининг Шота Руставели кўчасида қишки кинотеатр, ҳайвонот боғи қурилади.

— Ҳар сафар бўлганидек, бу йил ҳам шаҳар аҳолиси соғлиғини сақлашга катта эътибор берилган ва маблағ ажратилган бўлса керак-а?

— Ҳа, албатта. Совет кишиларининг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш партия ва ҳукуматимизнинг доимо диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев инсон саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишдан ҳам муҳимроқ социал вазифа бўлмаса керак, деб айтган эди партия XXV съездида қилган докладида. Шунинг учун ҳам бу йил соғлиқни сақлаш объектлари қурилишига 5 миллион сўм ёки 1978 йилдагига нисбатан 1,4 баравар кўп маблағ ажратилди. Юнусобод массивида 300 ўринли касалхона, шаҳар онкология диспансерининг янги корпуси қурилади.

Октябрь, Сергели, Куйбишев районларида туғруқхоналар, Роза Люксембург номли касалхона қурилиши давом этади. 1-юқумли касалликлар, 6-шаҳар касалхонаси, тўртта поликлиника ва кичкинтойлар учун сут тайёрланадиган ошхона қурилади.

Лойиҳада шаҳар меҳнаткашларини н г дам олишларига алоҳида ўрин берилган.

— Шаҳар аҳолисига транспорт, алоқа, маиший ва коммунал хизмат кўрсатишнинг равнақи ҳақида нималар дейсиз?

— Шаҳар электр транспорти моддий-техника базасини ривожлантириш ва унинг ҳаракат составини кўпайтиришга етти миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилдики бунинг эвазига 23 километр трамвай ва троллейбус линияси, 10,8 минг киловатт қувватли энергетика подстанцияси қурилади.

Биз шонли метрозаларимиз ўзларининг анъаналарига содиқ қолиб, бу саҳар ҳам 18 миллион сўмлик ҳажмдаги қурилиш ишларини адо этадилар ва бу билан Тошкент метрополитенининг иккинчи навбатини 1980 йилда муддатидан илгари ишга туширилишини таъминлайдилар, деб ишонч билдирамиз.

Трамвай, троллейбус, автобус ва маршрут таксилари паркларининг тўлдирилиши транспортнинг ҳамма воситалари билан пассажирлар ташиш ҳажмини 619 миллион кишига етказиш имконини беради. Жумладан, 53 миллион киши метрополитенда ташилади.

Бу йил савдо тармоқлари шахобчалари 12,5 минг квадрат метрга кенгаяди, умумий овқатланиш корхоналарида ишлаганлар сони 4800 тага кўпаяди. Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 4,3 процент ортади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида: **«Планлаштириш мазмунининг ўзи сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилиши керак»** деб таъкидлади. Пленум планлаштириш органларининг ишларини юқори даражага кўтариш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шундай экан, Тошкент шаҳрини 1979 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш плани ҳам беш йиллик планга асосан, шаҳар ижроия комитети бошқармалари, бўлим ва трестларининг, халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетларининг таклифларини ҳисобга олинган ҳолда тузилган ва шаҳар Советининг сессияси томонидан тасдиқлангандир.

Шаҳримиз меҳнаткашларининг беш йилликнинг тўрт йили топшириқларини, 1979 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш суръатини оширишлари совет халқи моддий фаровонлигини оширишдек муҳим вазифани тезроқ ҳал этиш имконини беради. Планда кўзда тутилган асосий мақсад ҳам шаҳарликлар моддий ва маданий турмуш даражасини бундан буён янада оширишга хизмат қилади.

Суҳбатни

А. ОБИДХЎЖАЕВ ёзиб олди.

СУРАТДА: экскаватор ремонти заводининг механика цехи илғор деталчиси Александр Климов тасвирланган. Бу ишлаб чиқариш илғори мунтазам равишда кунлик план-топшириқларини ортиғи билан адо этиб бошқаларга ўрнак бўлмоқда. М. Нуриддинов фотоси.

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Тошкентнинг Киров районидаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ўқувчилари бу йил «Узбексельмаш» заводи учун беш мингдан знёд турли хил деталь тайёрлаб бердилар. Куйбишев районидаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг юқори синф ўқувчилари эса слесарлик цехида «Союзмашхлопководство» ишлаб чиқариш бирлашмаси учун 4.400 та узел ва агрегат йиғиб бердилар.

Корхоналарнинг буюртмаларини бажариш Тошкентдаги барча ўқув ишлаб чиқариш комбинатларининг системаси бўлиб қолди. Бу ўсмирларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашни яхшилашга, уларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишга ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

Тошкент оқшомида босилгандан кейин

«ЯХШИ БЎЛАРДИ»

Газетанинг 5 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида газетхон 22-ҳаммомда ювиниб чиққандан кейин ечинадиган хонада оёқ ювиш учун имконият яратилса яхши бўларди деган таклифни илгари сурган эди.

5-ҳаммом-кир ювиш комбинатидан газетхон истаги ҳисобга олинганн маълум қилинди. Газета материали 13- ва 20-ҳаммомларда ҳам кўрилиб, у ерда ҳам шундай имконият яратиб берилгани хабар этилган.

«ҚУРИЛИШДА БУРИЛИШ БЎЛСИН»

Майкоп кўчасида трамвай-троллейбус бошқармаси учун қурилаётган бино ҳаддан ташқари чўзиб юборилаётгани юқоридаги сарлавҳали материалда танқид қилинган эди.

3-қурилиш трестидан олинган жавобда чиндан ҳам бу объектда 15-қурилиш бошқармасининг айби билан ва айрим қурилиш материаллари вақтида еказиб берилмагани учун муддат чўзилгани айтилган. Ҳозир объектда иш олиб борилаётгани ва аҳвол нормаллаштрилгани маълум қилинди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

НОВАТОРЛАР ИЗЛАНИШИ

БУДАПЕШТ. Татабанья кўмир ҳавзасининг меҳнатчилари корхона рационализаторлари ва ихтирочиларини сидқидилдан самимий қутладилар. Шахтерлар, инженерлар техниклардан, ўн етти кишига тантанали вазиятда «аъло рационалитазор» нишони топширилди.

Татабанья кўмир шахталарида ишлаб чиқариш новаторларининг ҳаракатига йил сайин янгидан-янги меҳнатчилар қўшилмоқда. Улар орасида турли касб ва ёшдаги кишилар бор. Ишлаб чиқаришни техника жиҳатидан янада юксак даражага кўтариш, кончиларнинг меҳнатини енгиллаштириш муддаоси уларни бирлаштирмоқда. Татабанья кўмир шахталарининг ўз «рекордчилари» ҳам бор. Масалан, мастер Шандор Боданинг рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишдан олинган иқтисодий самара ҳозирги вақтда 2 миллион форинтдан ошиб кетганлиги ҳисоблаб чиқилди. Новатор шахтерлар беш йиллик жамғармасига жами 100 миллион форинтдан кўпроқ маблағ қўшдилар. Корхонада ана шундай новаторлар 3 минг кишини ташкил этади.

МАШИНАСОЗЛИК МАҲСУЛОТИ

ПХЕНЬЯН. Ҳозирги вақтда Корея машинасозлари 100 минг киловатт-амперг а ч а қувватли куч трансформаторлари ва 20 минг тонна юк кўтарадиган денгиз кемалари, кўмир қазийдиган комбайнлар ва программа билан бошқариладиган металл ишлаш станоклари, магистрал тепловозлар ва гидравлик турбиналари, бошқа шу каби маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Машинасозлик саноати — Корея экономикасининг энг ёш ва муттасил ривожланиб бораётган тармоқларидан биридир. Халқ ҳокимияти йилларида барпо этилган бу саноат республика индустриясини янада ривожлантириш ва уни техника билан қайта қуроллантириш, қишлоқ хўжалигини машина ва механизмлар билан таъминлаш учун мустаҳкам негиз яратди.

ЭКСПОРТ ҚИЛИНДИ

ПРАГА. Шарқий Словакиянинг Кошице шаҳридаги металлургия комбинати ўтган йиллар ўз маҳсулотининг учдан бир қисмига яқинини, яъни 2 миллиард кронликдан ортиқ маҳсулотни чет эл-ларга экспорт қилди.

60-йилларда Совет Иттифоқи кўмаги билан қурилган Чехословакия металлургиясининг ана шу азим корхонаси маҳсулотини асосан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган социалистик мамлакатлар сотиб олмоқдалар. Қардош мамлакатларнинг металлургларига, машинасозларига, қурилиш индустриясига — ходимларига ярим миллион тоннага яқин прокат, неча минг тонналаб металл конструкциялар, сифатли қўйма ва бир ярим миллиард кронлик бошқа маҳсулотлар юборилди.

Куба қишлоқ хўжалиги аграр ишлаб чиқариш формасидан йирик кооператив деҳқон хўжалигига айланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда 140 га яқин қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативлари мавжуд. Улар турли тармоқлар бўйича ихтисослаштирилмоқда. Деҳқонлар ҳаёти ҳам ўзгарибборяпти. Улар учун шаҳар типидаги ободонлашган посёлкалар бунёд этилмоқда.

СУРАТДА: Вилья-Клара вилоятидаги чорвадорлар посёлкаси.

ТАСС фотохроникаси.

Харажат кўпаймоқда

ЛОНДОН. Англия ҳукумати ҳарбий харажатларни яна кўпайтирмоқчи бўлиб турибди. Лондонда эълон қилинган «оқ китоб»даги яқин йилларда давлат назарда тутаётган харажатлар тўғрисида айтилган маълумотлар шундан дарак беради. Бу маълумотларга мувофиқ, 1979— 1980 молия йилида Буюк Британиянинг ҳарбий харажатлари 7 миллиард 178 миллион фунт стерлинг бўлади, 1980 —1981 молия йилида эса 7 миллиард 394 миллион фунт стерлинга етказилади.

СОВЕТ ТЕХНИКАСИГА ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

БАНГКОК. Тез орада Таиланд далаларига беш юзта совет трактори чиқади. «Тракторозк с п о р т» ташқи савдо ташкилотининг шу мамлакатдаги доимий мижози — «Мин сен машинэри» фирмаси янги қишлоқ хўжалик машиналари туркумини сотиб олди.

Совет тракторлари Таиланд фермерлари (деҳқонлари) ўртасида яхши шуҳрат қозонди. Улар тропик иклим шароитида унумли ишламоқда. «Беларусь» тракторлари ва бошқа совет машиналари гоят пишиқ-пухталиги, ихчамлиги, ишлатиш осонлиги, тежамлилиги билан ажралиб туради, деди фирма директори.

Ҳозир Таиландда «СССРда ясалган» эмблемаси қўйилган 2 мингтадан ортиқ трактор ишлаб турибди. Яқинда Накхонпатхомда ўтказилган халқаро қишлоқ хўжалик виставкасида Совет Иттифоқидан келтирилган қишлоқ хўжалик техникасининг янги намуналари зўр қизиқиш уйғотди.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

РИМ. Миланда «Энитал» янги акционерлик жамияти иш бошлади. Унга Совет томонидан «Энергомашэкспорт», «Техмашэкспорт», «Техснабэкспорт», «Машиноимпорт» ташқи савдо бирлашмалари кирди. «Энитал» Италияга совет машиналарини, асбоб-ускуналар, приборлар ва бошқа маҳсулот турларини сотади.

∴ ∴ ∴

ЛОНДОН. Буюк Британия давлат молия министри Р. Шелдоннинг Англия парламенти аъзоларидан бирига ёзган жавоб хатида айтишича, Англия меҳнаткашлари оилаларининг ҳозирги вақтдаги реал даромади 1974 йилдагидан 3,5 процент кам.

Бу маълумотлар ишчи ва хизматчилар иш ҳақини оширмаслик тўғрисида ҳукумат сиёсати миллионлаб оддий америкаликларнинг турмуш даражасини пасайтиришга олиб келаётганлигидан далолат беради.

1979 йил болалар йилида шаҳримиздаги устки трикотаж фабрикасининг ахил коллективи фарзандларимиз учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Сиз суратда шу фабриканинг бичув цехи ишчиси, коммунист Гулбаҳор Усмоновани кўриб турибсиз. Бу пешқадам ишчи томонидан тайёрланган маҳсулот аъло сифатга қабул қилинади.

И. Шоиноғомов фотоси.

Уй-жой фондига эътибор

ШАҲАР УЙ-ЖОЙ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

«Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик!» — Бу шиор бугунги кунда катта аҳамият касб этмоқда. У барча аҳолини турар жой фондини намунали асрашда кенг иштирок этишга чақиради. Бу бежиз эмас. Уй-жой фондини асраб-авайлаш зарурлиги ҳаётимизнинг Асосий Қонуни — СССР Конституциясида ҳам таъкидлаб ўтилган. Шу муносабат билан ўтган йилнинг июнь ойида шаҳар уй-жой бошқармасида уй комитетларининг умумшаҳар жамоат Совети ташкил этилган эди. Бу совет фаолияти уй комитетлари ходимлари, шунингдек жамоатчиликни турар-жой фондини намунали асраш, ободончилик ҳамда квартираларидан фойдаланиш даражасини яхшилашга сафарбар этишдан иборат. Шундан буён ярим йил вақт ўтди. Энди дадил айтиш мумкинки, бу советлар ўзини тўла оқлади. Жамоат советлари фаолияти билан аҳолининг кўпгина муҳим масалаларни ҳал этишда иштироки таъминланмоқда. Жамоат Совети йиғилишларида ЖЭКлар ўз фаолиятида тез орада ҳал этиши зарур бўлган амалий масалалар кўтариб чиқиляпти, нуқсонлар очиб ташланяпти.

Шаҳар уй-жой бошқармаси коллективининг ўтган йили олиб борган ишларини таҳлил қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, ўтган йили бутун эътибор хўжаликни бошқаришни такомиллаштириш, шунингдек ремонт ишлари ҳамда уй-жойлардан фойдаланиш сифатини оширишга қаратилди. Ленинградликлар методи асосида ташкил этилган Чилонзор район уй-жой ишлаб чиқариш-эксплуа т а ц и я трести хўжаликни бошқаришнинг бундай формаси янада афзал эканлигини кўрсатди. Турар жой фондининг техник кўриги даврида бу райондаги 5-уй-жой бошқармаси мукофотли ўринни эгалладн. Янги метод ҳар бир ходимда топширилган ишга нисбатан чуқур масъулият ҳиссини ҳам шакллантирди. Шунинг учун Куйбишев районида ҳам ана шундай уй-жой ишлаб чиқариш-эксплуатация трести ташкил этишга қарор қилинди.

Шаҳар уй-жой бошқармаси бошлиғи У. Ризаев партия-хўжалик активи йиғилишида сўзлаган нутқида коллективнинг ўтган йилги фаолиятига якун ясаб, асосий кўрсаткичлар бўйича план-топшир-и қ л а р ошириб адо этилганлигини таъкидлаб ўтди. Пландаги 283 ўрнига 306 бино капитал ремонтдан чиқарилди. Уларнинг 87 процентини комиссиялар «яхши» баҳо билан қабул қилиб олди. Пландаги 108 ўрнига 129 бинонинг томлари ремонтдан чиқарилди, 63 болалар ўйнайдиган ва спорт майдонлари қурилди. У йиллик планда кўрсатилганидан 14 та кўпдир.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорл а ш т и риш ишки ойлиги мобайнида уй-жой ташкилотлари янада катта ишларни амалга оширдилар.

Партия-хўжалик активи йиғилишида ўтган йили 1743 минг киловатт соат электр энергияси ва 1680 минг куб метр табиий газ тежаб қолинганлиги таъкидлаб ўтилди.

Аммо қўлга киритилган ютуқлар билан бирга ҳали йўл қўйилаётган мавжуд нуқсонларни очиб ташлаш ҳам коммунистлар эътиборидан четда қолмади. Улар актив йиғилишида чуқур таҳлил этилиб, нуқсонларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди. Масалан, уй-жой идораларида ҳалигача кадрлар қўнимсизлиги давом этиб келмоқда. Ремонтчиларнинг қўлдан ўтар қабилида иш бажараётганлиги билан келишиб бўлмайди. Айрим уй-жой идораларининг ходимлари эса ўзларига бириктилган участкалар миқдорини аниқ билмайдилар. Шунинг учун ҳам улар ўз ишларини сифатсиз бажаришмоқда.

Коммунистлар ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида турган асосий вазифаларни белгилашаётиб, уй-жойларга хизмат кўрсатишнинг техник даражасини ҳамда фойдаланиш сифатини янада ошириш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар. Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш бу йил бошқарма ишчи-хизматчилари олдида турган вазифалар учун асосий шиор бўлиб хизмат килади. Уни амалга ошириш учун бутун куч ва имкониятлар ишга солинади. Актив йиғилиши охирида 1979 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

Шаҳар уй-жой бошқармаси партия-хўжалик активи йиғилишида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. К. Камолов иштирок этди.

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Энг теран, ўткир ҳақиқатлар ҳар ким англайдиган сўзлардир.

● Одам нима билан шуғулланса, ўша билан донг чиқаради.

● Ҳар кимга ишониш—аҳмоқлик, ҳеч кимга ишонмаслик — енгилтаклик, юзакиликдир.

● Ширин сўзли, хушмуомалали бўл, аччиқ, қўпол сўзли бўлма, тил аччиғидан мусибатлар туғилади.

Байт:

Ҳар кишининг бор эса аччиқ сўзи,
Иззату обрўсини тўккай ўзи.

● Бир донишманд ушбу ўн турли насиҳатни айтиб қолдирган:

1. Тўғри ўйла, тўғри сўзла. 2. Ишингнинг ҳамма катта ва кичик ерларига диққат қил. 3. Бу соат ичида ишлашинг мумкин бўлган ишингни дарҳол ишла, кейинга қолдирма. 4. Ишингга берилиб муҳаббат билан ишла, агар янглишганингни билсанг, уни кечиктирмай тузатишга ғайрат қил. 5. Бурчингни ваъда қилган вақтда адо эт, ваъдасизлик қилма. 6. Фойдасиз ошна-оғайниларингга боғланиб юрма. 7. Ичкиликдан ҳазар қил, бу заҳардан ўзингни сақла. 8. Нима бўлса пешанамга ёзилгани бўлади, деб пешанага ишониб юрма. 9. Қўпол сўзли бўлма, хушмуомалали бўл. 10. Ўз ишингда, ўз сўзингда қаттиқ тур.

Сир сақлаганда...

● Шайх Саъдий айтади:

Кўнглингда сақлаб юрган сирингни ҳеч кимга ошкор қилма, агар ошкор қилсанг, у киши бошқа бир кишига айтади, учинчи киши эса яна бир бошқа кишига айтиб беради. Шу билан сиринг оламга ёйилади. Пушаймон қиласан, фойда бермайди.

ҲИКОЯТ:— Текиш (Султон Алоуддин Хоразмшоҳ) ўзининг яқин одамларига кўнглида сақлаб юрган бир сирини сўзлади. У, бу сирини бир йил ўз кўнглида сақлаб ҳеч кимга айтмаган эди, аммо одамларига айтганидан кейин бир кун ичида оламга ёйилиб кетди.

Текиш жуда ғазабланиб, сирни ошкор қилган ҳалиги одамларига жазо бермоқчи бўлди. Айбдорлардан бириси:

— Султоним, бизга жазо берманг, сирингизнинг ошкор бўлишига биринчи айбдор ўзингиз, сиз ўз сирингизни сақлай олмаган экансиз, биз қандай қилиб сақлай оламиз? Энди сирингиз фош бўлди, бизга жазо бериш билан уни қайтариб сақлай олмайсиз. Бундан кейин ҳар бир сирингизни ўзингизда сақланг, ҳеч кимга айтманг,— деди.

Текишнинг ғазаби пасайиб уларни авф этди.

Байт:

Чун ўзинг сирингга маҳрам бўлмадинг,
Ўзгалар гар асрамас йўқдир ажаб.

Тарбия ва таълим

Инсон ўзига керак бўлган нарсаларнинг ҳаммасини ўзи тамом бошқара олмайди, балки кўп ишларда бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлади. Шу муҳтожлиги туфайли ўз ҳамжинслари билан гўзал муомалада бўлишга муҳтождир. Бу эса «адаб» деб таъбир этилади. Адаб тарбиядан ҳосил бўлган бир нарсадир.

Ёшлигидан бошлаб гўзал тарбия кўрган киши халқ билан гўзал муомалада бўлади. Буюк олимлар адабни илмдан юқори санайдилар. Адабли, тарбияли нодон одам—адабсиз, тарбиясиз бўлган олимдан кўра яхшироқ деб айтадилар. Воқеан, адабли, нодон киши билан суҳбатлашиш — адабсиз олим билан суҳбатлашишдан кўра кўнгил қошида марғубдир.

Бу сўзлардан, тарбиянинг фойдаси фақат одамлар билан қатнашиш ва улар билан гўзал муомалада бўлиш учунгина керак экан, деб тушунилмасин. Тарбиянинг бундан бошқа ҳам зўр фойдаси бордир. Масалан: тарбия соясида ялқовликдан иргангaн бола катта бўлгандан кейин иш одами бўлади ва буюк нарсаларга қадам ташлайди. Тарбияси сабабли исрофлардан безади, иқтисодга, тежашга риоя қилувчан одам бўлади. Булардан бошқа ҳам тарбиянинг зўр фойдаси бордир.

Одам боласи ўзининг назоратида бўлганларни тарбия этиши лозимдир. Шунинг учун оила аъзоларини тарбия этиш вазифаси ота-оналар устида, шогирдларини тарбия этиш эса муаллимлар устидадир. Тарбия этиш учун фақат ота-она бўлишгина кифоя этмайди, балки тарбия илмини билиш, унинг усулини лозим даражада англаб, шунга қараб иш тутиш лозимдир.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

БОШ ПЛАНДАН БИР ЛАВҲА

«Ёш гвардия»нинг янги комплекси



Ўтган йили Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитетининг «Ёш гвардия» нашриёти томонидан 5,5 миллион нусха китоб тайёрланди. Нашриётнинг янги полиграфия комплекси қурилиши тугаллангач, у бир йилда 607 миллион нусхадан китоб чиқара бошлайди. Натижада, «Ёш гвардия» нашриёти томонидан тайёрланган китобларни Ўрта Осиё республикаларида ҳам кўплаб учратиш мумкин бўлади.

Чилонзордаги Муқимий кўчасининг «Тошсовет 50 йиллиги» номли кинотеатри ёнидаги бўш майдонда нашриётнинг янги комплекси қурилишига киришилди. Комплекс 2,6 гектар майдонни эгаллайди.

Комплекснинг марказида мармар билан пардозланган кўп қаватли редакция корпуси қад кўтаради. Тўрт қаватли ишлаб чиқариш корпусида ҳарф териш, верстка қилиш, офсет ва бошқа босма цехлари, маъмурий-хўжалик корпусида эса нашриётнинг барча бошқа хизмат хоналари жойлашади.

Шунингдек, совутиш станцияси, кондиционер камералари ҳам қуриш кўзда тутилган.

Лойиҳани ишлаб чиқишда нашриёт ходимларининг яхши меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилинган. Комплексда маданий-маиший хизмат кўрсатиш хоналари, жумладан, 150 ўринли ошхона мавжуд этилади. Комплекснинг ёнида турар жойлар, ётоқхона, даволаш профилакторийси, болалар боғчаси қурилади.

Лойиҳани яратишда Бутуниттифоқ «ГипроНИИполиграф» институти Тошкент бўлимининг лойиҳалар бош инженери Б. Карякин раҳбарлигидаги меъморлари ва инженерлари катта ижодий ишларни олиб боришди.

Комплекс қурилишида Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 153-қурилиш тресги 3-қурилиш бошқармасининг бинокорлари унумли меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: «Ёш гвардия» нашриёти комплексининг макети.

Шанба оқшоми

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

Космонавтлар қандай овқатланишади?

Ҳозирги вақтда космонавтларимиз ойлаб коинотда учишмоқда. Улар шунча узоқ муддатда қандай овқатланишади, қанақа овқатлар истеъмол қилишади? Бизни қизиқтирган шу саволларга мутахассис мақоласини беришингизни сўраймиз.

Б. Отажонов, Ш. Алиқулов, Қ. Қамбаров, Н. Ҳамидов, Чилонзор район Наққошлик кўчасида истиқомат қилувчилар.

Космик шароитда космонавтнинг овқатланиши ва яшаши учун зарур барча бошқа имкониятлардан фойдаланиши космик фазони тадқиқ қилишнинг бошланишидаёқ қўйилган муҳим медико-биологик проблемалардандир. Бироқ кейинги йилларда космосда ойлаб учишларнинг амалга оширилганлиги бундай проблема ҳал қилинганини кўрсатади.

Маълумки, сутка давомида бир киши ўртача 600 литр кислород, 2200 миллиметр сув ва тахминан 12 миллион 580 жоуль энергия берадиган овқат истеъмол қилади. Ундан ажраладиган «чиқиндилар», ўртача 500 литр карбонат ангидрид (CO_2), 800 миллилитр сув (теридан ва нафас чиқариш орқали), 150 грамм чиқинди (ҳожат орқали) ва 1500 миллилитр пешобни ташкил этади.

Космик шароитда узоқ учишларга мўлжалланган кема бортида ортиқча юкни кўпайтирмаслик мақсадида регенерация қилиш (қайта ишлаш) йўли билан булар яна истеъмол рационига киритилади. Бунинг ҳеч қандай ажабланадиган жойи йўқ, сабаби ерда туриб биз истеъмол қиладиган сув, озиқ-овқат маҳсулотларида ҳам биологик организмлар «чиқиндилари» табиий шароитда регенерация қилинган ҳолда эслатилган истеъмол рационларимизга киради. Хусусан космик кеманинг герметик кабинасида тери ва нафас чиқариш орқали, идишларни ювиш ва ювиниш сувларидан махсус регенератор ёрдамида тоза сув олинади. Сўнгра бу сув махсус минерал тузлар билан бойитилгач ундан истеъмол учун бемалол фойдаланса бўлади.

Космонавтларнинг овқати кўп ҳолларда увоқланмайдиган шаклда (бир тишлам катталигида) махсус пакетларда асралади. Чунки космик шароитда, яъни вазнсизлик ҳолатида тишлаб овқатланиш ёки очиқ идишдан сув ичиш улардан ажралган нарсаларни хонада эркин учишига сабаб бўлади. Агар бундай увоқ парчаси ёки сув томчиси нафас йўлига тушса космонавт ҳаёти учун қанча хавф бўлишини сезиш қийин эмас.

Космонавтлар чиқиндилари махсус йўллар билан (куйдириш ёки турли фойдали микроорганизмлар ёрдамида ачитиш орқали) минераллаштирилади. Сўнгра космик оранжерия (сабзавот экинлари ўстириладиган хонача ёки хонанинг қисмлари) ёки истеъмол рационига кирувчи сув ўтлари ўстириладиган реакторларга солиб фойдаланилади.

М. МАМАДАЗИМОВ,
физика-математика фанлари кандидати, астроном.

Осмон жисмларининг номи қандай қўйилган?

Мени астрономия фани жуда қизиқтиради. Осмон жисмларидан Меркурий, Венера каби планеталарнинг номлари қандай қўйилган? Шу тўғрида маълумот берсангиз.

С. ҚУДРАТОВ,

Тошкент транспорт инженерлари институтининг студенти.

Осмон жисмлари қачон топилганига кўра турли номлар билан юритилади. Қадимдан маълумки, осмон жисмлари, қадимги традицияларга кўра худоларнинг номлари билан юритилади. Буларга Қуёш, оддий кўз билан кўриш мумкин бўлган планеталар, айрим майда планеталар киради. Кейинги йилларда топилган осмон жисмларининг кўпчилиги уларнинг кашфиётчилари, халқ қаҳрамонлари ёки замонавий номлар билан юритилади. Жумладан, кометалар, майда планеталарнинг кўплари шу хилдаги номлар билан аталади.

Қуёш системасининг йирик планеталарининг номлари эса қадимги Рим худоларининг номлари билан юритилади. Хусусан римликлар Қуёшга энг яқин планетани худоларнинг элчиси номи билан Меркурий деб аташди. Планета Венера— севги худосининг номи билан аталди. Шарқда бу планета Зуҳро номи билан, Меркурий эса Уторуд номи билан танилган. Марс—Римда уруш худосининг номи билан, шарқда Миррих номи билан юритилади.

● *Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун*

ШАҲРИМИЗДА ЭНГ ЙИРИК

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектидаги янги фойдаланишга топширилган турар жой биносининг биринчи қаватида шаҳримизда энг йирик ҳисобланган янги универсам магазини қурилмоқда. Ҳозир бу ерда монтаж ишлари тугалланиш арафасида. Магазиннинг савдо зали 700 квадрат метрни ташкил этади. Замонавий ускуналар билан жиҳозланадиган магазинда харидорлар учун барча қулайликлар яратилади.

Шу проспект яқинидаги Абай кўчасида ҳам хадемай яна бир универсам ишга туширилади. Универсам хизматчилари ва харидорлар учун бир қанча қулайликлар яратилган бу кўркам бино замонавий лойиҳа асосида қурилган.

ЯНА 83 ТАГА КЎПАЙДИ

Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармаси ўтган йили Горький шаҳрида ишлаб чиқарилган «ГАЗ-24» маркали машиналардан 651 тасини олиб, йўловчилар хизматига чиқарган эди. Кунни кеча шаҳримиз кўчаларида сариқ, қизил ва кўк рангдаги янги таксилар аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Бу саксон учта такси машинаси ҳам январь ойида Горькийдан келтирилди.

2-таксомотор паркни мана шу машиналардан 17 тасини олди. Ҳозир корхонада 600 дан ортиқ машина бўлиб, ҳар куни йўловчилар хизматига 560—570 машина чиқарилмоқда.

ҲАР ТЎҒРИДА

НОЁБ ТОШБАҚАЛАР

Баҳайбат денгиз тошбақалари ҳаммага маълуму-машҳур. Аммо шундай кичик тошбақалар борки, у қадар машҳур эмас. Бутун дунёда ана шундай кичик тошбақалардан атиги 100 га яқини бор. Австралиянинг Перт шаҳридаги ҳайвонот боғида катталиги йигирма тийинлик тангадан катта бўлмаган тошбақалар бор. Уларнинг баҳоси катталигидан ўн-юз баравар қиммат туради.

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ

Исландияда антиқа китоб-рўйхат бор. Бу ерга кўчиб борганлар ана шу китоб-рўйхатдан ўтади. «Исландияга одамлар кўчиб келиши ҳақидаги китоб»ни, маълум маънода, дунёда ягона дейиш мумкин. Унда оролга кўчиб келган ҳар бир одамнинг қаерда туғилгани, келиб қаерга жойлашгани, ота-боболари ва авлодлари кўрсатиб ўтилган. Дунёдаги бошқа биронта халқда ҳам унинг келиб чиқиши ҳақида бу қадар батафсил маълумот йўқ.

АНТИҚА ГУГУРТ

Дунёда турли-туман гугуртлар ишлаб чиқарилади. Уларнинг чўпи арча, қарағай, зирк, терак, қайин, қорақарағай каби дарахтлардан тайёрланади. Энг сифатли гугурт чўпи тоғ терақдан олинади. Каттакичиклиги ва рангидан ташқари, дорисининг кимёвий таркиби ва ёниши жиҳатидан ҳар хил гугуртлар бор. Овчиларга мўлжаллаб чиқарилган гугуртлар шаррос ёмғирда ҳам, қаттиқ шамолда ҳам ёнаверади. Ҳозирги вақтда ёнганида ўзидан 1500 даражагача иссиқлик ажратадиган гугуртлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бу хил гугуртлар билан ҳатто металларни пайвандлаш мумкин. Геологлар, қурувчилар, сайёҳ ва овчилар учун турли-туман антиқа гугуртлар ишлаб чиқарилган.

ДАМ ОЛИШ СОАТИДА

«Меъморчилик обидалари» чайнворди

1. Бухородаги меъморлик ансамбли. 2. Бинонинг кириш қисми. 3. Кўҳна шаҳар саройи. 4. Қадимий кўркам иморат тури. 5. Тошкентдаги меъморлик ёдгорлиги. 6. Самарқанд регистонидаги мадраса. 7. Бино эшигининг ёйсимон юқори қисми. 8. Иморатнинг шарсимон қаварик ўрни. 9. Археологларимиз томонидан топилган қадимий шаҳар. 10. Регистон майдонидан Шоҳизиндадаги бораверишдаги маҳоватли меъморлик иншооти. 11. Мирмуҳсиннинг тарихий романи. 12. Ўрта Шарқ шаҳарларидаги марказий майдон. 13. Безак тури. 14. Самарқанднинг меъморлик ансамбли. 15. Обидаларни тиклашда қатнашган Ўзбекистон халқ рассоми. 16. Бухоро яқинидаги қалъа харобаси. 17. Моддий маданият ёдгорликларини ўрганувчи мутахассис. 18. Қадимий қурилиш материали. 19. Бухородаги атрофи тўрт миноралн ёдгорлик. 20. Улуғбек қурдирган бино.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ.**

27 ЯНВАРДАГИ «ҚОР» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

БЎЙИГА. 1. Туман. 2. Тайга. 4. Қалпоқ. 6. Арпа. 7. Ишва. 10. Чана. 11. Сбор. 16. «Сибирь». 18. Ёқут. 20. Айиқ. 21. Зира. 22. Қурақ. 23. Пашша. 24. Миср.

ЭНИГА. 3. Руда. 5. Кама. 8. Арча. 9. Гўшт. 12. Карам. 13. Шайба. 14. Пальто. 15. Январь. 17. Чимён. 19. Дания. 25. Буғу. 26. Атир. 27. Сабр. 28. Ашур.

* * *

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссвордларга оқшомхонлардан М. Орипов, Ж. Қурбониёзов, Н. Алмуродов, О. Мўминов, Р. Таштемиров, З. Болтаева, А. Умаров, К. Олимов, Т. Ҳасанов, О. Ҳожиматов, М. Қобилов, М. Шаропов, М. Халилова, Р. Саримсоқов, М. Гайдаров, М. Мурадов, О. Холбенов, С. Темиров, А. Аюбов, М. Мусаев, М. Аҳмедова, М. Усмонов, Н. Рихсимбоева, Б. Шоикромов, О. Валиев ва бошқа кўплаб ўртоқлар тўғри жавоб юборишган. Хат йўллаган ўртоқларга редакция ташаккур билдиради.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. МУСАЕВ: Шаҳримизда ташкил этилган автомобиль ҳаваскорларининг кўнгилли жамияти фаолияти ҳақида маълумот беришингизни илтимос қиламан.

Жавоб: 1973 йили Тошкентда шаҳар автомото ҳаваскорлари кўнгилли жамияти ташкил этилган эди. Бу жамиятга истак билдирган ҳар бир киши аъзо бўлиши мумкин. Жамият йўл-транспорти ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат қоидалари бузилишига йўл қўймаслик юзасидан кўпгина ишларни олиб бормоқда. Шу мақсадда жамиятнинг бир қанча секциялари ташкил этилган. Бундан ташқари бу жамиятга аъзо бўлган кишилар автомототуризм ва автоспорти бўйича мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Жамият аъзоларига авторезиналар сотиб олишда ёрдам берилади, улар автомобиль мактабларида ўқиш имконига эга бўлишади. Автомото ҳаваскорлари кўнгилли жамиятининг район советлари ҳам ишлаб турибди. Бу ерда олиб борилаётган ишлар бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлай десангиз Фрунзе район советига (телефони 53-59-11, 53-48-68), Куйбишев район советига (телефони 32-29-71). Чилонзор район советига (телефони 77-66-86) қўнғироқ қилишингиз мумкин. Шунингдек, бу жамиятнинг Киров, Ҳамза, Собир Раҳимов, Ленин, Октябрь районларидаги советлари ҳам фаол иш олиб боряпти.

∴ ∴ ∴

Ф. ЗОКИРОВА: Шаҳримизда чет тилларни ўргатадиган ихтисослаштирилган мактаблар бор деб эшитдим. Шу ҳақда тўлароқ маълумот берсангиз.

Жавоб: Шаҳримизда чет тилларни ўқитадиган интернат-мактаб йўқ. Лекин бир қатор мактабларда чет тиллар ўргатилади. Жумладан, шаҳримиздаги 17, 91, 178, 102-мактабларда иккинчи синфдан бошлабоқ ўқувчиларга инглиз тили ўргатилади. 51-мактабда француз тили, 60-мактабда немис тили ўқувчиларга иккинчи синфдан ўқитилади. Шаҳримиздаги 1, 22, 150, 24, 92, 144, 156, 119, 59-мактабларда араб ва хитой тиллари, ҳинд, урду ва форс тиллари ўқитилади.

∴ ∴ ∴

Н. АБДУЛЛАЕВ: Тошкентда электрон ва ҳисоблаш техникаси бўйича мутахассислар тайёрлайдиган билим юртлари борми?

Жавоб: Агар Сиз электрон ҳисоблаш машиналарининг операторлиги ва ана шу машиналарни тайёрлаш бўйича операторлик ихтисослигини эгалламоқчи бўлсангиз шаҳримиздаги 124-техника билим юртига мурожаат қилишингиз мумкин. Бу билим юрти Киров районининг Хуршид кўчасидаги 45-уйда жойлашган. Билим юртини тугаллаганлар эгаллаган ихтисосликлари бўйича министрликлар ва идораларда, илмий муассасалар, ҳисоблаш марказлари ва лойиҳа-конструкторлик бюроларида ишлашлари мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, бошқа билим юртларидан фарқли ўлароқ, бу ерга ўнинчи синф маълумотига эга бўлган ва ёши 17 дан кам бўлмаган ёшлар қабул қилинадилар.

«ҒУНЧА» ТАКЛИФ ЭТАДИ

Шаҳримизнинг Горький майдонида «Ғунча» магазини очилди. Ундан кичкинтойлар учун мўлжалланган турли туман товарларни харид қилиш мумкин.

Кийим-кечаклар, ўйинчоқлар, пойафзал ва атторлик буюмлари, галантерея буюмлари шулар жумласидандир. Бир сўз билан айтганда ушбу магазин пештахталарида фарзандларимиз учун нимаики зарур бўлса, топиш мумкин. Шунинг учун ҳам шу кунларда магазиннинг барча бўлимлари ниҳоятда гавжум. Алла Ямбаева, Маргарита Кукурянц, Хотира Султонова каби сотувчилар харидорлар дидига мос товарларни харид қилишда яқиндан ёрдам беришмоқда.

СУРАТЛАРДА: магазиннинг савдо залларида.

Г. Ёқубов фотолари.

● *Биласизми?*

Минг ёшли обида

Термиз шаҳридан ўн икки километр ғарбда, Амударё соҳилида Султон Саодат ансамбли жойлашган. Ансамбль майдони бир ярим гектарни ташкил этади. Мазкур ансамбль X асрда бунёд этилган. У саккиз гумбазли мақбарадан ташкил топган бўлиб, баландлиги ўн икки метрдир.

Мақбаранинг пештоқи кун чиқарга—шарқ томонга қаратиб қурилган бўлиб, ички деворлари бир неча токчаларга бўлинган. Токчалар ёнида ўймакор ғиштлардан ясалган 24 та устун бор. Мақбара деворларига ғиштни жуфт қилиб, бир-бирига боғлаб ҳар хил безаклар ишланган.

X асрга оид бу обида минг йиллардан кейин ҳам инсон ақлзаковати ва ўлмас хунарининг ёдгорлиги бўлиб турибди.

◆ ОҚШОМ НАСИБАСИ

ЛОВИЯ ХЎРАК

Жайдари ловия пазандаликда камдан-кам ишлатиладиган бўлиб қолди, ваҳоланки бундаги оқсил моддаси гўшт оқсилига яқин туришини ҳисобга олганда, ундан анчагина серлаззат таомлар тайёрлаш мумкин. Чунончи ловияли шовла, сутли ловия оши, ловияли мастава, ловияли палов, чаққама, ловия хўрак ва бошқалар.

Ловия хўрак қуйидагича тайёрланади: ловияни совуқ сувда тўрт-беш маротаба ювиб юборгач, яна совуқ сувга бир кун ивитиб қўйилади. Кечки овқат пиширишда макаронли маҳсулотлардан («рожки»ми, «ушки»ми ёки «ракушки»ми) биридан олиб, тузли қайнаб турган сувга солиб пишилади ва шираси ювиб юборилади.

Ловияни эса тузсиз сувда пишириб олинади. Қозонда ёғни доғлаб, пиёз билан майда кубик қилиб тўғралган картошка қовурилади, пича помидор қоқи ёки томат паста қўшса ҳам яхши бўлади. Сўнгра ловия билан макаронни солиб кавлаб-кавлаб, бир оз қирмоч олгунча қовурилади. Қовуриш учун сариёғ солинса анча яхши чиқади.

Тайёр таомни лаганга сузиб, юзига ошкўк ёки кўк пиёз сепиб дастурхонга тортилади.

МАСАЛЛИҚ: 1 стакан ловия (ивитилади), 250 грамм макарон («рожки», «ушки», ёки «ракушки»), 100 грамм ёғ, 2 бош пиёз, туз ва ошкўклар таъбга кўра олинади.

ОДДИЙ ЛОВИЯ ХЎРАК

Ивитилган ловияни совуқ сувга солиб, милдиратиб қайнатилади-да, суви тўкиб ташланади. Юзига туз сепиб сариёғ соласизда, дастурхонга тортасиз.

МАСАЛЛИҚ: 0,5 килограмм ловия, 150 грамм сариёғ, туз эса таъбга кўра сепилади.

Карим МАҲМУДОВ,
пазанда.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

3 Тошкент бет оқшоми

3 ФЕВРАЛЬ, 1979 й.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 ФЕВРАЛЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 Мультфильмлар программаси: «Ярангада чироқ ёняпти», «Сеними, шошмай тур!» 8-сон. 10.35 Болалар учун. «Лэсси» сериясидан фильмлар. «Лэсси пумани қутқаради», «Бевафо тақдир». (АҚШ). 11.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Ўзимда синаб кўрдим». Илмий-оммабоп фильм. 16.10 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «СССРда давлат ҳокимияти органлари». Кўрсатувни СССР Юстиция министрининг биринчи ўринбосари А. Н. Сухарев олиб боради. 16.40 «Бил ва уддала». Ёш техниклар учун кўрсатув. 17.25 «Сиз яратган боғ».

17.55 Пятницкий номли Давлат академик рус халқ хори оркестрининг концерти. 18.15 Тўпли хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР — Швеция терма командалари. 2-тайм. Швециядан олиб кўрсатилади. 19.00 «Беш йиллик. Тўртинчи йил». «Мамлакатга кўплаб қоғоз етказиб берайлик». 19.45 В. Гусев. «Москвада баҳор». Ленсовет номли Ленинград Давлат театрининг фильм-спектакли. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Санъатдаги учрашувлар». 22.45 Чана спорти бўйича Европа чемпионати. ГДРдан олиб кўрсатилади. 23.15 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Шарқий Сибирь хўжалиги». Географиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Харасавай трассалари», «Урингой йўли». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 12.30 «Шарқий Сибирь хўжалиги». Географиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Бой ўғли овоздан чўчима». Бадиий фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Петя лақабли қуёнча ва ўрмон ошхонаси». Болалар учун мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Олимпия умидлари» (рус.). 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанга сидқидилдан хизмат қиламиз» (рус.). 19.30 Фарғона область Ленинград район Маданият уйи «Тановар» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Денгиз шунқорлари». Бадиий фильм. 21.00 Тошкент янгиликлари.

6 ФЕВРАЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Ўсмирлар ижоди». 10.35 В. Гусев. «Москвада баҳор». Ленсовет номли Ленинград Давлат театрининг фильм-спектакли. 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.15 «Жонажон табиат». 16.35 К. Тренёв. «Любовь Яровая». 17.25 Украина ССР бадиий коллективларининг концерти. Киевдан олиб кўрсатилади.

18.30 «Асл йигитлар». СССР Олий Совети депутатлигига номзод, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ишлаб чиқариш таълими мастери Б. А. Журавлёв билан учрашув. 19.00 «Қувноқ ноталар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». Украина ССР Фанлар академиясининг 60 йиллигига. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Украина ССР Фанлар академиясининг президенти, академик Б. Е. Патон билан учрашув. 19.50 Ижрочи ёшлар концерти. 20.20 «Биринчи кун, охирги кун». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Музыкальная жизнь» телевизион журнали. 23.25 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 В. Каверин. «Қумли соат». Болалар учун телеспектакль (рус.). 12.15 Болалар учун концерт. 12.45 «Оқ бўрилар». Бадиий фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Лариска» лақабли тулки хазина қидиргани ҳақида». Болалар учун мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак». 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Аникин болалари». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.20 «Миллионлар ленинча университети». «Совет хотин-қизлари—меҳнат ва жамоат ҳаётининг актив иштирокчилари». 19.40 «Рояль ёнида суҳбатлар». Музикали программа. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Олтин созим менинг — муҳаббат». Лирик концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Илғор тажриба мактаби». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.25 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Оцеола». Бадиий фильм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» — АСК МВО (Липецк). «Юбилейний» Марказий спорт залидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Тошкент янгиликлари.

7 ФЕВРАЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.50 «Биринчи кун, охирги кун». Телевизион бадиий фильм. 12.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Данилов чалади (балалайка). 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Ошкора суҳбат». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.20 «И. Соколов-Микитов. Ҳаёт ва ижод саҳифалари». 17.00 «Москва комсомолининг ишлари».

17.30 П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс лауреати Б. Петров чалади (фортепьяно). 18.00 «Горнчилар, қаердасиз!». 18.30 «Хоккей. СССР — Канада». Совет ва Канада хоккейчиларнинг учрашувининг тарихи ҳақида. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.40 «СССР Олий Советига сайловлар олдидан». 19.55 «Икки ўртоқ хизматда». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Украина Россия билан қайта қўшилганлигининг 325 йиллигига бағишланган тантанали концерт. 1-бўлим. СССР Давлат Академик Большой театридан олиб кўрсатилади. 23.15 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Яшил ойначалар». Болалар учун мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка». 18.45 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.00 «Замондош билан юзма-юз». Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Б. В. Кряжева билан учрашув. 19.30 Дам олиш концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг 60 йиллигига. В. Дельмар. «Ғариблар». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 В. Дельмар. «Ғариблар». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг давоми. 23.20 Волейбол бўйича эркаклар командалари ўртасида СССР чемпионати. «Динамо» (Тошкент) — «Курааппаратура» (Вильнюс). «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Болалар учун фильм. «Юлдузча». 20.45 «Муҳими — сифат». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.55 Тошкент янгиликлари.

8 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Горнчилар қаердасиз!». 10.35 РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Спиваков концерти. (скрипка). 11.25 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.25 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Меҳнатинг — иқболинг». Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.15 «Рус тили». 16.45 «Ўсмирлар учун музикали кечалар». Останкино концерт студиясидан олиб кўрсатилади. 18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Иқтисод ва тежамкорлик — умумхалқ иши».

19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «СССР Олий Советига сайловлар олдидан». 20.05 Рус денгизчилари жасоратининг 75 йиллигига. «Варяг» крейсери». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 Украина Россия билан қайта қўшилганлигининг 325 йиллигига бағишланган тантанали концерт. 2-бўлим. СССР Давлат академик Большой театридан трансляция пайтида ёзиб олинган.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «СССР Конституцияси — ривожланган социализм жамиятининг Асосий қонуни». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Олижаноб ёлғончилик». Телевизион бадиий фильм (рус.). 12.30 «СССР Конституцияси — ривожланган социализм жамиятининг Асосий қонуни». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг ёзувчи Ҳамид Ғулом билан учрашуви. 13.35 «Оцеола». Бадиий фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Капелла». Болалар учун фильм-концерт. 18.15 «КПСС Марказий Комитети ноябрь (1978 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Таъминот ташкилотлари бир меъёрда ишласин!». (рус). 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 19.35 «4 март — СССР Олий Советига сайловлар куни». «Социалистик қонунчилик — давлат органлари фаолиятининг негизидир». 19.50 Ижрочи созандалар Республика конкурсининг лауреатлари М. Султонова ва А. Ким чалади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ғазал оқшоми». Алишер Навоий. Кўрсатувни шоир Эркин Воҳидов олиб боради. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.20 «Телевидение экранида биринчи марта». «Қамал». Бадиий фильм. 1-серия. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 «Тошкент» телепрограммаси. «Пойтахт область далаларида». 20.30 «Касб танлаш». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.55 Тошкент янгиликлари.

9 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Звёздочка». Болалар учун киноальманах. 11.00 «Варяг» крейсери». Бадиий фильм. 12.25 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма. 16.20 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. Ўйин ўртасида. 16.50 «Қўшиғимиз, парвоз эт»! 17.25 «Москва ва москваликлар».

17.55 Литва ССР камер хори оркестрининг концерти. 18.40 «Ёшлар адреслари». СССР Олий Совети депутатлигига номзод, Оренбург жун рўмоллар фабрикасининг тўқувчиси В. В. Кархалева ҳақида кўрсатув. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Хоккей бўйича халқаро учрашув. Миллий хоккей лигаси — СССР терма командалари. Нью-Йоркдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 22.35 «Олтин нота». ГДРдан олиб кўрсатилади. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Эволюциянинг биогеографик далиллари». Биологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Оқ минораларга йўл», «Архиз». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 12.30 «Эволюциянинг биогеографик далиллари». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Юмор телетеатри. В. Буриличев. «Сохта келин».

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ким хоккей ўйнайди». Болалар учун телефильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен — Совет Иттифоқи гражданиман». 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Инсон болаликдан бошланади». 19.30 «Оламга саёҳат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ҳамид Олимжон туғилган куннинг 70 йиллигига. «Бахт ва шодлик куйчиси». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Комплекс механизация — пахтачиликнинг бош йўли». 22.25 «Телевидение экранида биринчи марта». «Қамал». Бадиий фильм. 2-серия. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.30 Болалар учун фильм. «Капитанлар, капитанлар». 19.45 «4 март — СССР Олий Советига сайловлар куни». «Депутат ва ҳаёт». 20.15 «Кругозор». Илмий-оммабоп программа (рус.). 20.45 «Ўзбекистон комсомоллари — Ноқоратупроқ ерларга». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 20.55 Тошкент янгиликлари.

10 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.35 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.05 «Дунё воқеалари». 11.20 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». СССР Давлат мукофотининг лауреати С. Красаускас. 11.50 «Тонги почта». Музикали программа. 12.20 «Ўзимизнинг ўлка». Сибирь ва Узоқ Шарқ ҳақида кинопрограмма. 13.10 «Спортлото» тиражи. 13.25 А. Бабажанян. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун соната. 13.45 «Советлар ва ҳаёт». СССР Олий Советига сайловлар олдидан. Кўрсатувда ВЦСПС раисининг ўринбосари, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг қонун лойиҳаларини тайёрловчи комиссиясининг секретари В. И. Прохоров иштирок этади. 14.10 «Сказ» рус халқ чолғу квартети чалади. 14.30 Болалар учун. «Лэсси» сериясидан фильмлар. «Лэсси ва учқур олмахонлар», «Лэсси мушукчани қутқаради» (АҚШ). 15.15 «Талабларингизга биноан учрашувлар». Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов Старий Оскол қурувчиларининг саволларига жавоб беради. 16.05 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион программаларининг III Халқаро фестивали. Афғонистон. 16.45. «Ҳайвонот оламида». 17.45 Мультфильмлар программаси: «Тимошканинг арчаси», «Янги йил эртаги».

18.15 «Цирк майдонида». 19.00 «Здоровье». Илмий-оммабоп программаси. 19.45 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 20.05 «Альбомдаги варақ». Телевизион бадиий фильм премьераси (ЧССР). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 Воронеж Давлат рус халқ хорининг концерти. 22.50 «Кармен-сюита». Фильм-балет премьераси. 23.40 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.50 Фотима Баратова куйлайди. 11.30 Сузиш бўйича Ўзбекистон чемпионати. Митрофанов номли Сув спорти саройидан репортаж (ёзиб олинган). 12.00 «Тонг». Бадиий фильм 13.25 «Оналар мактаби». 13.55 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида). 14.40 «Кинопублицист экрани». Кинокўрсатув (рус.).

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Пин ва Гвин». Болалар учун мультфильм. 17.45 Болалар учун. «Фонарик» (рус.). 18.15 «Жаҳон бир ҳафта ичида». Халқаро воқеалар шарҳи. 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи заллари бўйлаб». «Ўзбекистон халқ санъати». 19.30 «Назм ва наво». Алишер Навоий лирикаси. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». Ота-оналар учун болалар концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Ўнинчи беш йиллик қаҳрамонлари». Ўзбекистон енгил саноати илғорлари билан учрашув. 23.25 Волейбол бўйича эркаклар командалари ўртасида СССР чемпионати. «Динамо» (Тошкент) — «Спартак» (Львов). «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Меҳрибон кишилар орасида». Бадиий фильм (рус.). 19.10 «Юлдузча». Октябрятлар учун программа. 19.40 «Новости» информацион программаси. 20.00 «Сайловдан сайловгача» (тожик тилида). 20.25 «Ахбор» информацион программаси. 20.50 Концерт. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 Кўрсатувлар программаси. 22.10 «Бизнинг бурчларимиз». Бадиий фильм (тожик тилида). 23.25 Душанба кўрсатувларининг охири.

11 ФЕВРАЛЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 «Зарядкага сафланинг!». 10.00 Гитарачи Р. Тарраго чалади (Испания). 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Қор маликаси». Бадиий фильм. 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Музикали киоск». 15.00 Хоккей бўйича халқаро учрашув. Миллий хоккей лигаси — СССР терма командалари. Нью-Йоркдан олиб кўрсатилади. 16.55 Харьков электр-механика заводи Маданият саройи рақс ансамблининг концерти. 17.20 «Одамларга ҳадя этилган нур». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Мамлакат меҳнат коллективларига бағишланган туркумдан. 17.45 «Хатларингиз асосида». Музикали программа.

18.30 «Халқаро панорама». 19.15 Мультфильмлар программаси: «Довюрак бўлиш осон», «Ўрмон қўйнида». 19.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.45 «Бомба». Телевизион бадиий фильм. «Бугун кечқурун Фернандель» сериясидан (Италия — Франция). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Жиддий музикада қувноқлик ҳақида». 23.05 «Ўйинсиз ўйин». Ҳужжатли фильм премьераси. 23.25 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси мақомчилар ансамблининг концерти. 11.10 «Бепоён Ватаним менинг». «Обелиск қирралари». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.30 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». Шаҳрисабз ва Марғилон шаҳарларининг командалари иштирок этади. 13.00 «Шахмат мактаби». 13.30 «Телевидение экранида биринчи марта». «Оля учун аталган гуллар». Бадиий фильм. 14.55 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 15.25 Реклама.

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари». 18.10 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (рус.). 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига. «Ҳаёт саҳифалари». Кўрсатувни СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси Б. Д. Петров олиб боради. 19.30 Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг 60 йиллигига. «Театр ва замон». 2-кўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Телевизион миниатюралар театри. 21.30 Москва: «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Биз — Жиззахданмиз». Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Кўрсатувда Жиззах область ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. У. Ўралов иштирок этади. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 «Экран — болаларга». 16.40 «Мурманск». Телевизион фильм. «Совет Иттифоқи шаҳарлари» туркумидан. 17.00 «Анна Ншанян куйлайди». Фильм-концерт. 17.20 «Ерни эъзозланг». Телевизион фильм. 18.10 Эстрада концерти. 18.40 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.00 «Дуйноушу симфонияси». 20.50 «Дўстларимиз адабиёти». Молдавия ёзувчиси Ион Друцэ» 21.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/II да **Аловуддиннинг сеҳрли шамчироғи** (12.00), **Спартак** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/II да **Ғариблар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/II да **Тошкентнинг нозанин маликаси.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/II да **Беш кунлик куёв.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Тўрт куёв» — эстрада-цирк лўлилар ревюсининг гастроллари** (19.30).

КИНО

3 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«СОЦИАЛИЗМ ДУНЁСИ» — **Москва.**

«РАССОМ ИЛЬЯ ГЛАЗУНОВ» — **Фестиваль.**

«ҚОРА ҚАЙИН ҚИССАСИ» — **Нукус.**

«ИЛТИФОТГА ШОШИЛИНГ» — **Тинчлик.**

«САЛОМ, ПОЙТАХТ!» — **Қозоғистон.**

«ЙЎҚОТИЛГАН БОШПАНА» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги.**

«УЗОҚ УМР КЎРИШ СИРИ» — **Дружба.**

«АМЕРИКАЛИКЛАР БИЗ БИЛАН ТАНИШМОҚДА» — **Чайка.**

«ЁЛҒИЗ ЎЗИ ВА МУСТАҚИЛ» — **Мир.**

«ҚОР ФАНТАЗИЯСИ» — **Ғунча.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШОД-ХУРРАМЛИКДА ЯШАНГ» — **Кўкча, Дружба** (2-зал), **К. Ерматов номли.**

«ҚАЛЪА» — **Чайка, Восток, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Навоий номли, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги.**

«СИЗНИ ГРАЖДАНКА НИКАНОРОВА КУТЯПТИ» — **Дружба, Мир.**

«КАМБАҒАЛЛИК АЙБ ЭМАС» — **Москва.**

«МАХСУС ЭЪТИБОРДАГИ ЗОНА» — **Искра.**

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **Москва, Дружба, Фестиваль, Лисунов номли, Мир, Восток, Ҳамза номли, Янгиобод, Ғ. Ғулом номли, Ғунча, С. Раҳимов номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Қозоғистон, Навоий номли, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, Чайка, Кўкча, Пионер, Нукус, Тинчлик, ВЛКСМ 30 йиллиги, Искра.**

4 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«СОЦИАЛИЗМ ДУНЁСИ» — **Москва.**

«РАССОМ ИЛЬЯ ГЛАЗУНОВ» — **Фестиваль.**

«ҚОРА ҚАЙИН ҚИССАСИ» — **Нукус.**

«ИЛТИФОТГА ШОШИЛИНГ» — **Тинчлик.**

«САЛОМ, ПОЙТАХТ!» — **Қозоғистон.**

«ЙЎҚОТИЛГАН БОШПАНА» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги.**

«УЗОҚ УМР КЎРИШ СИРИ» — **Дружба.**

«АМЕРИКАЛИКЛАР БИЗ БИЛАН ТАНИШМОҚДА» — **Чайка.**

«ИЛМСИЗЛИК ҲАҚИДА ИЛМ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги.**

«ЁЛҒИЗ ЎЗИ ВА МУСТАҚИЛ» — **Мир.**

«ҚОР ФАНТАЗИЯСИ» — **Ғунча.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШОД-ХУРРАМЛИКДА ЯШАНГ» — **Кўкча, Дружба** (2-зал) **К. Ерматов номли.**

«ҚАЛЪА» — **Чайка, Восток, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Навоий номли, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги.**

«СИЗНИ ГРАЖДАНКА НИКАНОРОВА КУТЯПТИ» — **Дружба, Мир.**

«КАМБАҒАЛЛИК АЙБ ЭМАС» — **Москва.**

«МАХСУС ЭЪТИБОРДАГИ ЗОНА» — **Искра.**

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **Москва, Дружба, Фестиваль, Лисунов номли, Мир, Восток, Ҳамза номли, Янгиобод, Ғ. Ғулом номли, Ғунча, С. Раҳимов номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Қозоғистон, Навоий номли, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, Чайка, Кўкча, Пионер, Нукус, Тинчлик, ВЛКСМ 30 йиллиги, Искра.**

«Главташкентстрой»
«ЖИЛСТРОЙ»
ТРЕСТИНИНГ
ЯНГИ ТАШКИЛ
ҚИЛИНГАН
40-БОШ
ПУДРАТ ҚУРИЛИШ
БОШҚАРМАСИГА

электр пайвандчилар, монтажчилар, бетончилар, электромонтёрлар, дурадгорлар, қоровуллар

КЕРАК

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона— Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюросининг марказий пункти ва Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетларидаги инспекторларга учрашилсин.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3, 4 февраль соат 19.00 да

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
Холисхон ҚОДИРОВА

БУТУНИТТИФОҚ ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ
Карима УЗОҚОВА

Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Исмоилжон ТУРДИАЛИЕВ, Нодира АҲМЕДОВА, Раҳима РИХСИЕВА, Отажон РАЖАБОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари— Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳаммаджон МИРЗАЕВ.

Музика раҳбари— Ҳамид УСМОНОВ.

Программани— Мавжуда ХОЛДОРОВА олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

ФЕВРАЛЬ ОЙИДА НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИГАН СПЕКТАКЛЛАРНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

3/II да — БИРИНЧИ БУСА.
4/II да БЕШ КУНЛИК КУЁВ.
6/II да — ТИНМАСИН СОЗ.
7/II да — ТАШВИШЛАНМАНГ ОНАЖОН.
8/II да — КИЧИК ФОЖИАЛАР.
9/II да — ТЎЙИ МУБОРАК ҚАРИ ҚИЗ.
10/II да — ЁДИНГ БИЛАН.
11/II да — БИРИНЧИ БУСА.
13/II да — ФАҚАТ АҚЛ СОТИЛМАЙДИ.
14/II да — КЎЗИНГНИ КАТТАРОҚ ОЧ.
15/II да — БАДБАШАРА ЁХУД ЭЗОП.
16/II да — ЧАНДИҚЛАР.
17/II да — ИШҚ ҚУРБОНЛАРИ.
18/II да — БЕШ КУНЛИК КУЁВ.
20/II да — ТИНМАСИН СОЗ.
21/II да — ТАШВИШЛАНМАНГ ОНАЖОН.
22/II да — КИЧИК ФОЖИАЛАР.
23/II да — ТЎЙИ МУБОРАК ҚАРИ ҚИЗ.
24/II да — КЎЗИНГНИ КАТТАРОҚ ОЧ.
25/II да — ИШҚ ҚУРБОНЛАРИ.
27/II да КОРЧАЛОНЛАР.
28/II да — ҲАММОМГА БАЛО БОРМИ?

СПЕКТАКЛЛАР СОАТ 16.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Билетлар театр кассасида соат 15.00 дан 20.00 гача сотилади. Телефонлар: 44-56-52, 44-11-33.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

3 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.10 М. Глинка. Арфа ижроси учун икки пьеса. 18.20 «Почтачи эртаги». Мультфильм. 18.45 «Никарагуа: кураш давом этади». Кўрсатувни мухбир Л. Новиков олиб боради. 19.30 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Спорт рақслари. Загребдан олиб кўрсатилади (Югославия). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 22.35 Л. Утёсов, В. Тонков, Б. Владимиров, Л. Гурченко ва бошқалар иштирокида эстрада программаси. 23.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Ассалом, Ҳамза». Ёзувчи туғилган куннинг 90 йиллигига. 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Чопак». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.10 «Жаҳон бир ҳафта ичида». 19.30 «Премьералар, учрашувлар, дебютлар» (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 А. Навоий номли Наманган область театри солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Телевидение экранида биринчи марта «Бой ўғли овоздан чўчима». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

4 ФЕВРАЛЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси 9.40 «Зарядкага сафланинг!». 10.00 Мареничлар триоси куйлайди. Киевдан олиб кўрсатилади. 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Олтин ўрдак». Телевизион бадиий фильм (Польша). 13.00 «Музикали киоск». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». Кўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирила бошланганлигининг 25 йиллигига. 14.30 Спорт программаси: 1. Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Аёллар. Эркин программа. Загребдан олиб кўрсатилади (Югославия). 2. Конькида югуриш спорти бўйича жаҳон чемпионати. Аёллар. 1500 м. Голландиядан олиб кўрсатилади. 3. Чанада учиш бўйича Европа чемпионати. ГДРдан олиб кўрсатилади. 16.30 «Шаклланиш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Мамлакат меҳнат коллективларига бағишланган туркумдан. 16.55 Сибирь ва Узоқ Шарқ меҳнаткашлари учун музикали программа. 17.45 «Айиқ». Бадиий фильм. 18.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.30 «Мультфильмлар программаси: «Ярангада чироқ ёняпти». «Сеними, шошмай тур!». 8-сон. 20.00 «Халқаро панорама». 20.45 «Халқ оҳанглари». 21.00 Европа энг кучли фигурачиларининг кўргазмали чиқишлари. Загребдан олиб кўрсатилади. (Югославия). Танаффус пайтида —«Вақт» информацион программаси. 24.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Ҳужрадаги ёнгин». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 10.30 «Қизлар давраси». 11.30 «Бепоён Ватаним менинг». «Свердловск — ишчилар шаҳри». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». Урганч ва Ғиждувон шаҳарларининг командалари иштирок этади. 13.00 Ота-оналар учун консультация (рус.). 13.30 «Пиковая дама». Фильм-опера. 15.15 Реклама ва эълонлар. 17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Худойберди — ботир». Болалар учун мультфильм. 17.45 Болалар учун. «Бойчечак». 18.15 «Шонли йўл». «Тошкент ҳақиқати» газетасининг юбилейига. 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Ҳамза ҳақида суҳбатлар». Ёзувчи туғилган куннинг 90 йиллигига. Кўрсатувни Л. Қаюмов олиб боради. 19.30 Хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Қандай қилиб чемпион бўлсам». Телевизион ҳужжатли фильм.

Тошкент шаҳар Йўлдош Охунбобоев номли Республика медицина билим юрти томонидан Маҳкамова Зироат номига берилган 642053 номерли йўқолган диплом

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Политехника институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари кечки ва сиртқи бўлим олий математика кафедрасининг доценти Р. Рустамовга акаси **Акрам Рустамович ХУЖАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонасининг партия, касаба союз ташкилотлари ва коллективи фондларни депозитар сақлаш мудири М. Р. Тожиевга укаси **Ҳакимжон ЛАТИПОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП Тошкент, Ленин проспекти 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95. спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42, нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

3 ФЕВРАЛЬ, 1979 й.

Р—07062. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Е — 1228.